

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЦИКЛИ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ
«КАПИТАН» МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА
ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2023

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари ходимлариға навбатдаги «капитан» маҳсус унвонини бериш учун маҳсус малака ошириш курси тасдиқланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

ИИВ Малака ошириш институти Ахборот технологиялари цикли катта ўқитувчиси, катта лейтенант Ж.Д. Рисқалиев;

ИИВ Малака ошириш институти Ахборот технологиялари цикли ўқитувчиси, катта лейтенант О.М. Бойназаров.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи, доцент Ф.Б. Ачилов;

ИИВ ТҚД Киберхавфсизлик маркази бўлим бошлиғи, PhD, доцент Ш.И. Файзиев.

Ўқув-услубий мажмуа ички ишлар органлари ходимлариға навбатдаги “капитан” маҳсус унвонини бериш учун маҳсус малака ошириш курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун ахборот технологияси ҳақида маълумот, ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни, ахборот хуружи ҳақида тушунча, ахборот хуружининг субъектлари, ахборот хуружларининг турлари, асосий мақсади, мафкуравий хуружлар, замонавий ахборот ва психологик таъсир технологиялари, психологик эффектлар, ички ишлар органлари фаолиятида планшетдан фойдаланиш, “Е-ма’мuriy ish” – ягона ахборот тизими ҳақида маълумот, бодикамера ҳақида тушунча, бодикамеранинг хусусиятлари, имкониятлари ва фойдаланиш тартиби, очиқ манбалар тўғрисида маълумот, қидирув тизимлари, қидирув тизимлари орқали маълумотларни излаш усуллари, очиқ манбаларда фойдаланиладиган дастурий воситалар, ижтимоий тармоқ ҳақида тушунча, видеокузатув мосламалари ҳақида маълумот, видеокузатув тизимларида қўлланилаётган дастурий воситалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “___” даги “___” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

УДК

©Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
Модул бўйича дарслар тақсимоти:	7
1-МАВЗУ: ИИО ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ.	7
2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2022 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ “КИБЕРХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ АСОСИДА ИИО СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ. ХОДИМЛАРНИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	12
3-МАВЗУ: ТУРЛИ ХИЛ АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	20
4-МАВЗУ: ИИО ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ПЛАНШЕТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ (E-МА’MURIY ISH ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ).....	26
5-МАВЗУ: “БОДИКАМЕРАЛАР”НИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ.....	36
6-МАВЗУ: ОЧИҚ МАНБАЛИ ҚИДИРУВ УСУЛЛАРИ.	40
7-МАВЗУ: ИЖТИМОЙЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚИДИРУВ ВА МОНИТОРИНГ.	46
8-МАВЗУ: ВИДЕОКУЗАТУВ МОСЛАМАЛАРИДАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ.	48
Мавзулар юзасидан саволлар:	54
Глоссарий	55
Адабиётлар рўйхати:.....	58

КИРИШ

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, интернет тармоқлари орқали тарғиб этилаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича замноавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш каби янги вазифаларни кўймоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-П-сон) ва Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сонли “Киберхавфсизлик тўғрисида” ги Қонуни муҳим асослардан биридир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон Қарорлари ҳамда 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон, 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги “Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 645-сон Қарори асосида тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтининг устувор вазифаси ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Ҳозирги глобаллашув жараёнининг илмий-техникавий соҳада ўзининг таъсирини кўрсатиши ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатда амалиётга жорий этиши, мамлакатимизда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг сифатини янада оширишга туртки бўлмоқда. Бу эса, замонавий ўқитиши технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар тингловчиларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини жадал шакллантиради ҳамда замонавий билимларни тез ва мустаҳкам ўзлаштиришларига замин яратади.

Тингловчиларни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича комптентлиги

таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулоқотга нисбатан етарлича юқори қобиляти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташқи таълимий ахборотларга нисбатан ички шахсий талабларининг мослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қиласди.

“Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш” модулининг мақсади ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тингловчиларини янги ахборот технологиялари, уларнинг дастурий воситалари билан таништириб, уларни ўзлаштириш амалиётини йўлга кўйищдан иборат.

“Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш” **модулининг вазифалари** тингловчиларда:

- Ахборот технологияси ҳақида маълумот. Ички ишлар органлари фаолиятига жорий этилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ҳукуқий асослари, ахборот тизимларининг хусусиятлари ва имкониятлари;

- Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунининг мақсади. Асосий тушунчалар ва киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари. Киберхавфсизлик соҳасини давлат томонидан тартиба солиш ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш. Киберхавфсизликни таъминлашда ИИО ходимининг вазифалари. Кибержиноятларга қарши курашиш ва олдини олишда муаммо ва ечимлар;

- Ахборот хуружи ҳақида тушунча. Ахборот хуружининг субъектлари, ахборот хуружларининг турлари, асосий мақсади, мафкуравий хуружлар, ижтимоий тармоқларнинг роли, замонавий ахборот ва психологияк таъсир технологиялари, психологик эффектлар;

- Ички ишлар органлари фаолиятида планшетдан фойдаланиш. “E-ma’muriy ish” – ягона ахборот тизими ҳақида маълумот;

- Бодикамера ҳақида тушунча. Бодикамеранинг хусусиятлари, имкониятлари ва фойдаланиш тартиби. Бодикамераларни ИИО ходимларини хизмат фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни;

- Очиқ манбалар тўғрисида маълумот. Қидирув тизимлари. Қидирув тизимлари орқали маълумотларни излаш усуллари. Очиқ манбаларда фойдаланиладиган дастурий воситалар;

- Ижтимоий тармоқ ҳақида тушунча. Ҳозирда фойдаланиладиган энг машхур ижтимоий тармоқлар. Facebook, Telegram, Instagram ва Twitter ижтимоий тармоқларида маълумотлар таҳлили;

- Видеокузатув мосламалари ҳақида маълумот. Видеокузатув тизимларида қўлланилаётган дастурий воситалар. Хотира қурилмасига кириш ва қайд этилган видео ёзувларни олиш бўйича маълумотларни беришдир.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси ва
малакаларига қўйиладиган талаблар:**

Тингловчи:

- ахборот технологиялари ҳақида умумий тушунчалар;
- ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологиялари жорий этиш бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатлар мазмуни;
- ахборот хавфсизлиги асослари;
- амалий дастурий воситалардан фойдаланиш бўйича **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- интернет тармоғида мавжуд ахборот ресурсларидан фойдалана олиш;
- қидирув тизимлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- хужжат ва папкаларни ҳимоялаш, ўчирилган файлларни тиклаш;
- локал тармоқда хавфсиз ишлаш бўйича **қўникмаларни эгаллаши**;

Тингловчи:

- хизмат фаолиятидан келиб чиқиб, хизмат фаолиятида ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- ички ишлар органлари хизматида фойдаланиладиган ахборот тизимларини бошқариш;
- ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- кибержиноятлар профилактикаси бўйича **малакаларни эгаллаши лозим**.

Модул бўйича дарслар тақсимоти:

Т/р	Блок ва модуллар номи	Ўқув юкламаси (соатларда)					
		Умумий юклама хажми	Аудитория соати	Семинар	Амалай машиғулот	Мустақил таълим	Назорат
	Ахборот-коммуникация технологияларидан хизмат фаолиятида фойдаланиш	8	8	-	-	-	-
1.	ИИО фаолиятида қўлланилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг турлари, хусусиятлари ва қўллаш усуллари	1	1	-	-	-	-
2.	Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни асосида ИИО соҳавий хизматлари вазифалари. Ходимларни кибержиноятларга қарши курашиш ва олдини олишда муаммо ва ечимлар	1	1	-	-	-	-
3.	Турли хил ахборот хуружидан ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	1	1	-	-	-	-
4.	ИИО ходимлари томонидан хизмат фаолиятида планшетлардан фойдаланиш тартиби (E-ma'muriy ish ягона ахборот тизими)	1	1	-	-	-	-
5.	“Бодикамералар”нинг хизмат фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни	1	1	-	-	-	-
6.	Очиқ манбали қидирав усуллари	1	1	-	-	-	-
7.	Ижтимоий тармокларда қидирав ва мониторинг	1	1	-	-	-	-
8.	Видеокузатув мосламаларидан маълумотларни олиш	1	1	-	-	-	-

1-МАВЗУ: ИИО ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Ахборот технологияси ҳақида маълумот, Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишининг хуқуқий асослари ва тартиби.

2-ўқув саволи. Рақамлаштиришнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги босқичи.

1-ўқув саволи. Ахборот технологияси ҳақида маълумот, Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишининг хуқуқий асослари ва тартиби.

Ахборот технологияси қисқача AT (ing. information technology – IT). Ахборот атамаси лотинча “Informatio” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўзбекчада тушунтириш, таништириш, баён этиш деган маъноларни англатади.

Ўз навбатида, хабар- ахборотни тасвирлаш шакли бўлиб, у нутқ, матн, тасвир, график, жадвал, видеотасвир, товуш ва ҳ.к кўринишларда ифодаланади. “Технология” сўзи лотинча “thexnos” - санъат, ҳунар, соҳа ва “logos” - фан деган маънени билдиради. Қисқача қилиб айтганда технология бу жараёндир.

Коммуникация (lot. communicatio — умумлаштираман, боғлайман) — ахборотларни алмашиш жараёни.

АТ - ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш ва шу жараёнларни амалга оширувчи барча техник воситаларни ишлатишни ўргатувчи фан ҳисобланади. Ахборот технологиялари маълумотларни бошқариш ва қайта ишлаш технологияларидир. Одатда бу атама остида компьютер технологиялари тушунилади.

Ахборот технологияси инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган бўлсада, хозирги замон ахборотлашган жамиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, цивилизация тарихида биринчи марта билимларга эришиш ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган куч энергия, хомашё, материаллар ва моддий истеъмол буюмларига сарфланадиган харажатлардан устунлик қилмоқда, яъни ахборот технологиялари мавжуд янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологиялари индустряси мажмuinи компьютер, алоқа тизими, маълумотлар омбори, билимлар омбори ва у билан боғлик фаолият соҳалари ташкил килади.

Бугунги кунда ахборот технологиясини шартли равища "сақловчи, рационаллаштирувчи, яратувчи" турларга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги технологиялар меҳнатни, моддий ресурсларни, вақтни тежайди. Рационаллаштирувчи ахборот технологияларига чипталар буюртма қилиш, меҳмонхона хисоб-китоблари тизимлари мисол бўлади.

Яратувчи (ижодий) ахборот таҳнологиялари ахборотни ишлаб чиқарадиган, ундан фойдаланадиган ва инсонни таркибий қисм сифатида ўз ичига оладиган тизимлардан иборат.

Ахборот технологияларининг хозирги замон тараққиёти ҳамда ютуқлари фан ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш республикамиз халқи турмуш даражасининг яхшиланишига, ижтимоий эҳтиёжларнинг кондирилишига, иқтисоднинг усиши ҳамда фан-техника тараккиётининг жадаллашишига хизмат килади.

Ўзбекистон Республикаси шакланаётган глобал ахборот жамиятида муносиб ўринни эгаллашга интилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакат Ҳукумати томонидан Ўзбекистонда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уларни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда фойдаланишнинг стратегик устуворликлари белгиланди.

Ички ишлар органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жиҳатидан кенг кўламли қайта ўзгартиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу давлат бошқаруви самарадорлигини жиддий равища ошириш, давлатнинг умуман жамият билан

ҳамда унинг айрим институтлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш имконини беради.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллади.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органларида замноавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий таъминотларини борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракти хавфсизлигини таъминлаш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган замонавий интеграллашган тизимларни яратиш ва жорий этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари фаолиятига, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони ва Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 645-сон Қарорлари асосида тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда.

2-ўқув саволи. Рақамлаштиришнинг ички ишлар органлари фаолиятидаги босқичи

Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масаласи биринчи навбатда, илм-фан, юксак технологиялар, замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш билан узвий боғлиқ.

Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишда барча бўлинмаларнинг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш энг муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг «йўл харитаси» учинчи бандида Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий рақамли ва ахборот технологияларини татбиқ этиш белгилаб берилди.

Маҳкумларни «электрон назорати»ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш. Хусусан:

- ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташ тартибини татбиқ этиш;
- маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар («Smart») тизимини муассасаларга ўрнатиш;
- тақиқланган буюмларни олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муассасаларнинг назорат ўтиш жойларида бодисканерларни ўрнатиш;
- жазони ўташ жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги «ахборот портрети»ни тузиш ва озодликка чиқишидан 2 ой олдин яшаш жойи бўйича худудий ички ишлар органларига хабар бериш имкониятини берувчи ягона электрон тизимни яратиш.

Локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш орқали ички ишлар органларини рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш учун телекоммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш. Бунда:

- ички ишлар органларида электрон ҳужжат алмашинуви ва ҳимояланган электрон почта ягона тизимини татбиқ этиш, дастурий таъминот яратиш;
- маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш ва унга идоравий маълумотларни қайта ишлаш марказларини интеграция қилиш;
- идоравий рақамли инфратузилманинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, электрон ҳужжатлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда ашёвий далиллар бўйича автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимини яратиш орқали эксперт-криминалистик фаолиятни босқичма-босқич рақамлаштириш, шунингдек криминалистик идентификация тизими фаолиятини мувофиқлаштириш. Хусусан:

- Геном бўйича ягона автоматлаштирилган давлат рўйхатига олиш тизимини зарурӣ воситалар билан жиҳозлаш;
- фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролларининг излари бўйича Давлат ўқ-гильзотекаси тизимини модернизация қилиш орқали унинг фаолиятини автоматлаштириш;
- «Kriminalist» криминалистик фаолиятни ҳисобга олишнинг ахборот-маълумот тизимини модернизация қилиш ҳамда уни «102» тизими доирасида Ички ишлар вазирлиги жиноятларни ҳисобга олиш ягона тизимиға интеграция қилиш;
- Эксперт-криминалистик бош марказининг биометрик идентификация қилиш маълумотлар базаларига худудий эксперт-криминалистик бўлинмаларнинг уланишини таъминлаш.

Пробация назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда Пробация хизмати фаолиятини рақамлаштириш. Хусусан:

- пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-авторини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш;
- электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилиш;
- мониторинг қилишнинг замонавий мобиъл технологияларини татбиқ этиш, маҳсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;
- пробация назоратидаги шахсларни умумий назорат қилиш учун Ички ишлар вазирлиги пробация хизматида ягона электрон мониторингни (мониторинг марказини) ташкил этиш.

Ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан давлат хизматларини тақдим этишнинг янги тартибини жорий этиш. Хусусан:

- давлат хизматларини тақдим этишни мақбуллаштириш ва енгиллаштириш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш;
- амалдаги ахборот тизимларини ягона платформага ўзаро интеграция қилиш орқали Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш;
- сақлаш функциясига эга бўлган маълумотларни қайта ишлаш ягона марказини яратиш.

Ахборот тизимларини модернизация қилиш, архив фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш. Хусусан:

- шахсий таркиб бўйича буйруқлар, пул таъминотининг шахсий карточкалари ва бошқа маълумотлардан иборат электрон архивни шакллантириш;
- давлат хизматларини тақдим этишни ривожлантириш мақсадида Марказни Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» тизими ва Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига унинг самарадорлигини ошириш ва ортиқча хизмат юкламасини қисқартиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш. Хусусан:

- «E-inspektor» электрон комплекс тизимини татбиқ этиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида иш юритувни мақбуллаштириш;
- профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш бўйича электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича «E-та’muriy ish» ягона электрон хужжат алмашинуви тизимини яратиш;
- маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан назорат қилиш бўйича электрон модулни татбиқ этиш;
- «E-hisobot» ахборот тизимини яратиш орқали профилактика хизматида ҳисботларни унификация қилиш ва уни бошқа ташкилотларнинг ҳисбот юритиш ҳамда идоравий ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш.

Ахборот технологияларини жорий этиш орқали ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янгича амалиётини (ситуацион бошқарув тизими) босқичма-босқич татбиқ этиш. Жумладан:

- кузатиб бориладиган обьектлар, ҳодисалар ва жараёнларни комплекс мониторинг қилиш асосида бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконини берувчи вазирликнинг Ситуацион марказининг марказлашган бошқарувини амалга оширишда ягона ахборот маконида ишлайдиган ички ишлар органлари ситуацион марказларининг тўлақонли тақсимланган тизимини;
- жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги умумий манфаатларни инобатга олган ҳолда хукуқ-тартибот органлари ўртасидаги уйғунлашган ахборот ҳамкорлигини таъминлаш имконини берувчи ягона маҳсус ахборотлар кичик тизимини ташкил этиш каби турли ишлар белгилаб берилди.

Мустақил таълим учун топшириқ: Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг «йўл харитаси» учинчи бандини кўриб чиқиши.

2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2022 ЙИЛ 15 АПРЕЛДАГИ “КИБЕРХАВФСИЗЛИК ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ АСОСИДА ИИО СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ВАЗИФАЛАРИ. ХОДИМЛАРНИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар ва киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари.

2-ўқув саволи. Киберхавфсизлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш.

3-ўқув саволи. Киберхавфсизлик соҳасини қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш.

1-ўқув саволи. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг мақсади, асосий тушунчалар ва киберхавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли қонунининг **мақсади – киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат**.

Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик мазкур “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Конун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

Телекоммуникация тармоқлари ва алоқа каналларидағи тезкор-қидирав тадбирлари тизимининг киберхавфсизлигини таъминлаш алоҳида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилигига назарда

тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Мазкур қонуннинг **тизими ва тузилиши** 8 боб, 40 моддадан иборат. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради. (2022 йил 16 июлдан).

Мазкур қонуннинг **3 моддасида қўйидаги 13 та асосий тушунчалар** қайд этилган:

1) ахборотлаштириш обьекти – турли даражадаги ва мақсаддаги ахборот тизимлари, телекоммуникация тармоқлари, ахборотга ишлов беришнинг техник воситалари, ушбу воситалар ўрнатилган ва фойдаланилдиган хоналар;

2) кибержиноятчилик – ахборотни эгаллаш, уни ўзgartириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибормаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йифиндиси;

3) кибормакон – ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал мухит;

4) кибертаҳдид – кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соловчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи;

5) киберхавфсизлик – кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

6) киберхавфсизлик ҳодисаси – кибормаконда ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса;

7) киберхавфсизлик обьекти – ахборотнинг киберхимоя қилинишини ҳамда миллий ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятда фойдаланилдиган ахборот тизимлари мажмуи, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси обьектлари;

8) киберхавфсизлик субъекти – миллий ахборот ресурсларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича электрон ахборот хизматлари кўрсатиш, ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари;

9) киберхимоя – киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи;

10) киберхужум – кибормаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасдан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;

11) муҳим ахборот инфратузилмаси – муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи;

12) муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари – давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, хуқук-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада кўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари;

13) муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари – давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек мулк, ижара хукуқлари асосида ёки бошқа қонуний асосларда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига эгалик қилувчи юридик шахслар, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ишлашини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи юридик шахслар ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорлар.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасида “Киберхавфсизликни таъминлашнинг қуидаги **5 та асосий принциплари**” қайд этилган:

- қонунийлик;
- кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишининг устуворлиги;
- киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув;
- киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштироқининг устуворлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашда ҳалқаро ҳамкорлик учун очиқлиги.

Қонунийлик принципи – Киберхавфсизликни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларининг талабларига оғишмай риоя этилиши ҳамда улар бажарилиши шарт. Қонунчилик талабларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя этишдан ҳар қандай тарзда четга чиқиш, бунинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликнинг бузилишидир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишининг устуворлиги принципи – Кибормаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг киберхавфсизлигини таъминлашда устувор ҳисобланади.

Киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув принципи – Киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан ягона ёндашув маълумотларга ишлов бериш ҳамда уларни ҳимоя қилиш бўйича дастурий ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш жараёнини ташкил этиш, унинг мониторингини ва назоратини амалга оширишга қаратилган ахборот тизимларини ҳамда ресурсларини киберхимоя қилишининг ягона давлат

тизими жорий этилган ҳолда таъминланади. Киберхавфсизликни таъминлаш ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий, маъмурий ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини шакллантиришда ягона ёндашувлар асосида амалга оширилиши керак.

Киберхавфсизлик тизимини яратишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокининг устуворлиги принципи – Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан устуворликка эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик учун очиқлиги принципи – Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида халқаро шартномалар доирасида халқаро ташкилотлар, чет давлатлар ва уларнинг ваколатли идоралари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

2-ўқув саволи. Киберхавфсизлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли қонуннинг 2-боби “Киберхавфсизлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш” деб номланган бўлиб ўз ичига қуйидаги нормаларни олган:

- 10-модда. Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсати;
- 11-модда. Киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи;
- 12-модда. Ваколатли давлат органининг ҳуқуқлари;
- 13-модда. Ваколатли давлат органининг мажбуриятлари.

“Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига биноан Киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини – Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилайди.

Мазкур қонуннинг 11-моддасига биноан Киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиши;

киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши;

киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириши;

киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тутатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриш;

фавқулодда вазиятларда ахборот тизимлари ва ресурсларини киберхимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги бошқа масалалар бўйича чоратадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқиш;

киберхавфсизликни таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни ташкил этиш;

киберхавфсизлик талабларига мувофиқ ахборот тизимлари ва ресурсларидаги аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштиришга доир ишларни ташкил этиш;

киберхавфсизлик соҳасида тадқиқотлар ўтказилишини ва мониторингни ташкил этиш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрини шакллантириш, шунингдек ушбу реестрнинг юритилишини ташкил этиш ва таъминлаш;

киберхавфсизлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида объектларни муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир талабларни белгилаш;

ахборотлаштириш объектларини ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга доир фаолиятни лицензиялаш;

ахборот тизимларидан ҳамда ресурсларидан фойдаланувчиларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимларини ва ресурсларини ўрганиш ва текширишни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида ўрганишлар ва текширишларни амалга ошириш;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига бўлган киберхужумларга уринишларнинг олдини олишга доир режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бевосита амалга ошириш;

киберхавфсизлик бўлинмаларининг, мустақил эксперталар хизматлари ва гурухларининг фаолиятини тартибга солиш, кибертаҳдидларга қарши курашиш соҳасида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ахборот тизимлари ҳамда ресурсларида аниқланган заифликлар, кибертаҳдидлар, киберхужумлар ва бошқа бузғунчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилиш;

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларни ва муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларини муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик ҳодисаларини биргаликда текширишга жалб этиш;

киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, кибержиноятчилик бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда кибержиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни

бирлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кибермаконидан террорчилик, экстремистик ва бошқа қонунга хилоф фаолиятда фойдаланишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларида киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш воситаларини жорий этишга доир ишларни ташкил қилиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш;

муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларида мавжуд заифликлар ва эҳтимолдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашга, тўплашга ва таҳлил қилишга доир ишларни ташкил этиш;

ахборот тизимлари ва ресурсларида киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражаси бўйича таснифлагич яратиш;

киберхавфсизлик обьектларини киберхавфсизликни таъминлаш даражасига кўра таснифлаш;

киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза ўтказиш механизmlарини белгилаш;

киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларининг киберхавфсизлигини амалга оширишни баҳолаш усулларини белгилаш ва баҳолаш;

муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларини тоифалаштириш мезонларини белгилаш ва тоифалаштириш;

киберхавфсизлик субъектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга жалб этилган ходимларни қонунчилиқда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш.

Ваколатли давлат органининг қонуний талабларини (кўрсатмаларини) бажариш мажбурийдир.

Ваколатли давлат органининг ҳуқуқлари

Ваколатли давлат органи киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш чоғида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш учун мўлжалланган техник, дастурий ва аппарат-дастурий воситаларни ижарага олиш;

киберхужумларга барҳам бериш бўйича кечикириб бўлмайдиган чоралар кўриш учун техник курилмалар ва хизматлардан текин фойдаланиш;

давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, шунингдек давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ва материалларни сўраш ҳамда олиш, уларни идентификациялашни амалга ошириш ва улардан киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича тергов ҳаракатларида фойдаланиш;

киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи органни ташкил этиш, шунингдек ўз ваколатларининг бир қисмини унга ўтказиш;

киберхавфсизлик субъектларига киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-

шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ҳамда кўрсатмалар киритиш;

киберхавфизлик ҳолати таъминланганлиги юзасидан давлат назорати ва текшируви вазифасини амалга ошириш мақсадида давлат органлари ҳамда ташкилотларининг, муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларининг ахборот тизимларига ва ресурсларига белгиланган тартибда тўсқинликсиз кириш ҳамда уларга уланиш, шунингдек ушбу обьектлардаги ахборот тизимларининг ва ресурсларнинг киберхавфизлигини таъминлаш воситаларининг жорий этилишига ҳамда улардан фойдаланилишига доир маълумотларни ўрганиш;

киберхавфизликни таъминлаш бўйича мониторинг ишларини бажариш чоғида ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ёки муҳим ахборот инфратузилмаси обьектларига кириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ва бошқа обьектларига тўсқинликсиз кириш, зарурат бўлганда қулфлаш мосламаларини ва бошқа ашёларни бузган ҳолда кириш, бу жойларни ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш чоғида ёхуд у ерда жиноят содир этиляпти ёки содир этилган ёхуд хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан яширган шахс бор деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёхуд агар кечикириш фуқароларнинг ҳайтини ва соғлигини таҳдид остида қолдирадиган бўлса, йигирма тўрт соат ичида прокурорга бу ҳақда хабар берган ҳолда, шунингдек етказилган заарнинг ўрнини қонунчилиқда белгиланган тартибда қоплаган ҳолда кўздан кечириш.

13-модда. Ваколатли давлат органининг мажбуриятлари

Ваколатли давлат органи киберхавфизлик соҳасида зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш чоғида:

кибержиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриши;

киберхавфизлик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

киберхавфизлик соҳасидаги муаммолар юзасидан илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши;

кибержиноятлар ҳамда киберхавфизликка таҳдид солувчи хукуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиши, улар юзасидан қонунчилиқда белгиланган тартибда ўз вақтида чоралар кўриши;

киберхавфизликка таҳдид солувчи хукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

ваколатли давлат органи ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа обьектларига мулкдорлар ва улар вакилларининг розилигисиз ёки ушбу шахслар йўқлигига кирганлиги тўғрисидаги барча ҳолатлар юзасидан прокурорни йигирма тўрт соат ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ваколатли давлат органининг зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

З-ўқув саволи. Киберхавфсизлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

Киберхавфсизлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Киберхавфсизлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўйидагилардан иборат:

- киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш;
- киберхавфсизлик субъектларига солик, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш;

• хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини киберхавфсизлик соҳасини молиялаштириш учун жалб этишга шарт-шароитлар яратиш;

• киберхавфсизлик соҳасида илмий-техника ютуқларига асосланган маҳсулотларнинг ва илғор технологияларнинг кафолатланган тарзда жорий этилишини таъминлаш мақсадига қаратилган давлат харидларини ташкил этиш;

• киберхавфсизлик соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга, шунингдек уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

Киберхавфсизлик соҳасида илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан киберхавфсизлик соҳасидаги илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш қўйидагилар воситасида амалга оширилади:

- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни давлат буюртмаси доирасида бажариш учун буюртмаларни жойлаштириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ишларни молиялаштириш учун киберхавфсизлик субъектларига субсидиялар ажратиш;
- инновацион маҳсулотларга бўлган талабни, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) мақбуллаштирилишини рағбатлантириш;
- киберхавфсизлик даражасини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширадиган, шу жумладан мавжуд илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш борасидаги инновацион фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш;
- киберхавфсизлик соҳасида илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни амалга ошириш ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- киберхавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ давлат харидларини амалга оширишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотга устуворлик бериш.

Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги кадрлари салоҳиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш қўйидагилар воситасида амалга оширилиши мумкин:

- киберхавфизликни таъминлаш соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга молиявий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- киберхавфизликни таъминлаш соҳасида ўқув-услубий ва илмий-педагогик ёрдам кўрсатиш.

Муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларининг киберхавфизликни таъминлаш учун масъул бўлган ходимлари халқаро стандартларга ҳамда давлат стандартларига ва талабларига мувофиқ ўз малакасини доимий асосда ошириб бориши керак.

Муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфизлигини таъминлаш учун масъул бўлган ходимларни рағбатлантириш

Муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфизликни таъминлаш учун масъул бўлган ходимларини рағбатлантириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақил таълим учун топшириқ. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сонли Қонуни билан танишиб чиқиши.

**З-МАВЗУ: ТУРЛИ ХИЛ АХБОРОТ ХУРУЖИДАН ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Ахборот хуружи, мазмун ва моҳияти.

2-ўқув саволи. Ахборот хуружларининг ижтимоий муҳитда амалга ошириш усувлари.

1-ўқув саволи. Ахборот хуружи, мазмун ва моҳияти.

Сиёсий кураш сиёсий партиялар, ташкилотлар ва бошқа сиёсий институтлар ўртасида олиб борилади. Ушбу соҳада ахборот уруши доимий равишда рўй бериб турди, аммо у давлат органларига сайловлар олдидан кучайиб бормоқда. Ахборот ёрдамида жамиятга таъсир шундай тарзда олиб бориладики, жамият аъзолари буни сезмайдилар ва ўзлари танлов қилаётганлигини ҳис қиласидар. Сиёсатдаги замонавий ахборот урушлари рақибни жамоатчилик олдида обрўсизлантиришга ва жамият аъзолари орасида зарур фикрни шакллантиришга қаратилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун турли хил ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда рақибга қарши ҳужумни амалга оширадиган –айворлар – ахборотни бузиш бўйича мутахассислар ёлланади. Ахборот ҳужумларининг асосий усувлари қуйидагилардир: монтаж, миш-мишлар, афсоналар, таҳдид, мавҳумлик, маълумотни буриш.

Ахборот хуружига берилган турлича таърифлар мавжуд. Россиялик айрим мутахассисларнинг фикрича ахборот хуружи бу-ракиб устидан ахборот хукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасидир.

Ахборот урушидан ҳарбийлар ва тинч аҳоли орасида фойдаланиш мумкин. Ахборот қарама-қарши турларига қўйидагилар киради.

Ахборот уруши атамаси илк бор 1967 йил тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи собиқ совет Иттифоқига қарши бошлаган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллен Даллесдир.

“Ахборот уруши” атамаси дастлаб Америка ҳарбий доираларида қўлланилган. Ахборот уруши бу бутун жамиятга ёки унинг бир қисмига психологияк босимдир. Керакли маълумотларни моҳирона тақдим этиш маълум кайфиятларни яратишга ва реакцияларни келтириб чиқаришга ёрдам беради. Ушбу уруш тури ҳақида биринчи маълумот 19-асрнинг 50-йилларига тўғри келади ва Қрим уруши билан боғлик.

Ахборот уруши назариясининг асосчиларидан яна бири Уинн Швартуу фикрича: “Замонавий жамият ахборотга асосланганлиги сабабли, эртами, кечми, ҳар ким ахборот ҳуружининг қурбонига айланади”, деб таъкидлайди.

Уинн Швартуу ахборот урушини олиб боришда барча хатти-ҳаракатларнинг учта субъектга қаратилганлигини таъкидлайди: шахсга (индивидуал ҳолатда), ташкилий тузилмага (ташкилот-муассасага қаратилган) ва глобал кўринишда (давлатлар ўртасидаги зиддиятга қаратилган).

“Ахборот ҳуружи” ибораси биринчи марта 1976 йил Томас Роннинг “Боинг” компанияси учун мўлжалланган “Қуроллар тузуми ва ахборот уруши” номли ҳисботида қайд этилган. Томас Рон АҚШ иқтисодиётида инфратузилма асосий компонент бўлиб, кейинчалик унинг ҳарбий, сиёсий соҳалар каби заиф нуқта бўлиб қолишини таъкидлайди. Ахборот ҳуружининг муҳим жиҳати эса “қарши давлатнинг-корхоналари раҳбарларига, аъзоларига психологик босим ўтказиб, уларни “керакли” қарорларни қабул қилишга мажбур қила билишдир” дейди. Шунга кўра “ахборот ҳуружи” нима, деган саволга жавоб бериш мумкин. Ахборот ҳуружи бу рақиб саналган шахсга, жамиятга ва давлатга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда қабул қилинган қарорларга таъсир кўрсатиш, ижтимоий фактлар ва жамоатчилик онгини ўзига керакли йўналишда шакллантиришга уринишидир. Ахборот ҳуружларининг амалга оширишда рақиблар асосан қўйидаги усувлардан фойдаланади:

- дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиш) - психологик таъсир кўрсатишнинг бир кўриниши бўлиб, рақиб тарафни чалғитиши мақсадида ёлғон ахборот тарқатилади. Бунда ҳақиқий ахборот билан ёлғон ахборот аралаш кўринишида бўлади;

- манипуляция (омма онгини бошқариш) - омма онгини турли ғоялар, кўрсатмалар, мотивлар, стереотиплар, тақлид орқали субъект манфаатларига мослаштириш. Воқеликни нотўғри идрок қилиш орқали сохта, ёлғон тушунча ёки тасаввур ҳосил қилинади;

- тарғибот - омма онгиди ОАВ ёрдамида маълум ғояларни тарқатиш ва оммалаштириш;

- инқизозли ҳолатларни бошқариш - асосан иқтисодий ва сиёсий соҳаларга қаратилган бўлиб, маълум гурух ёки давлат қизиқишлигини кўзлайди. Аввалдан танлаб олинган шахсларга яширин кўринишида таъсир кўрсатилади;

- иғвогарлик - маълум гурухлар ва шахслар томонидан давлатнинг конститутцион тузумига ёки қонуний асосларига қарши ҳаракатларни амалга ошириш;

-туҳмат (бўхтон)-бирор объектни обрўсизлантириш, шаънини булғаш мақсадида ёлғон маълумотларни тарқатиш;

- дискредитация (обрўсизлантириш) - омма орасида давлат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, айrim шахслар обрўсини, сиёсий ечимлар, тадбирлар аҳамиятини тушунтириш ва уларга салбий таъсир кўрсатиш;

- омма диққатини жалб этиш - бирор воқеа, ҳодиса, иш юзасидан хуқуқий маълумот панада қолдирилади, шов-шувга сабаб бўладиган тадбирлар амалга оширилади;

- миш-миш гапларни тарқатиш - мавжуд бўлмаган маълумотларни тарқатиш. Асосан давлат ва жамиядаги бўшлиқ жойларга асосий зарба берилади ҳамда сиёсий ва маънавий етук бўлмаган шахслар объект сифатида танлаб олинади;

- фитна - маҳсус ахборот ҳаракати бўлиб рақиб муваффақиятсизликка (мағлуб бўлиш) олиб борувчи вариантни танлашга мажбурланади.

Демак, юқорида келтирилган усуллар маълум амаллар кетма-кетлигидан иборат бўлиб, уларни амалга оширишдан ахборот хуружининг обьекти ва субъекти, куч ва воситалар, ресурслар ва вақт омилини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Юқори даражада ахборот хуружидан кўзланган асосий мақсад - рақиб давлат ахборот майдонини эгаллаб олиш, ҳалқаро майдонда давлат имиджини тушуриш, жамият ҳаётини бекарорлаштириш, шахсни обрўсизлантиришга қаратилган ахборотларни тарқатиш кабилардир. Ҳозирги босқичда мақсадга эришиш учун асосий воситалар сифатида ОАВ ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади.

2-ўкув саволи. Ахборот хуружларининг ижтимоий муҳитда амалга ошириш усуллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар давлатимиз равнақи учун тамал тоши бўлиб хизмат қиласи. Бундай жараён, табиийки, ҳалқимизнинг онг-у тафаккурининг шаклланишига, дунёқарашимизнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. 2021-йил 26-март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан имзоланган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги қадами, десак адашмаймиз. Мазкур қарор негизида илгари сурилган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” foяси ижтимоий-иктисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар ҳамда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган фаолиятнинг узвий давоми саналади.

Буюк мутафаккир аждодимиз Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг: “Бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди” деган пурмаъно ибораларини ҳар бир инсон ақл муроқабасидан ўтказиши керак бўлади. Шу боис ҳар биримиз ҳавои нафсга берилмасдан, ақл кучи билан ўз фарзандларимиз, ўз келажагимиз йўлида бирлашишимиз, курашишимиз зарур.

Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотлар ҳалқаро муносабатлар тизимида янги жаҳон тартиботини шакллантириш учун олиб борилаётган бир даврда кечмоқда. Глобаллашув жараёнининг шиддат билан кечиши натижасида жаҳон ҳалқаро

муносабатлар тизимида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Учинчи Реннесанс” даври нафақат ёшларда, балки ҳар бир шахс, ҳар бир фуқарода масъулият хиссини юзага келтирмай қолмайды.

Бу эса, ўз навбатида, маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиришни, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Бизнингча, олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда юзага келган сиёсий воқеликни атрофлича илмий таҳлил этиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Бу борада, Евросиё маконида вазият ва кучлар нисбатининг ўзгариб бориши, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар негизида мунтазам равишда кузатиб бориш, бу борада янгича ёндашувларни излаб топишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланиш жараёни якунига етмаганлиги, минтақада турли экстремистик гурухларнинг бош кўтариб чиқишилари эҳтимолининг мавжудлиги, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Марказий Осиё минтақасини ўз “таъсир доиралари”га тортишга интилишлари миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорлик масалаларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бугунги кунда ўз геосиёсий ва геоиктисодий манфаатларига эришиш, ҳалқаро майдонда етакчилик учун рақобат олиб бораётган кучлар тарафидан юртимизга нисбатан “ахборот ҳужуми” уюштирилаётганлигини кузатиш мумкин. Бундай чиқишилар нафақат хорижий оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, балки юртимиз радио ва теледастурларида, реклама роликларида ҳам бўлиб турибди.

Сиёsatшунослик фанидан маълумки, сиёsat бу – кураш, манфаатлар кураши. Қадимги даврда давлатлараро низолар жангга олиб келган ва улар ўртасидаги муаммолар ечими жанг натижаси билан бевосита боғлиқ бўлган. Бироқ, даврлар ўтиб, “ҳарбий ечим” С.Хантингтоннинг “маданий рақобат”ига айланган бўлса, бугунги кунда эса бу муаммо Ф.Фукуяманинг “ғоявий-мафкуравий қобиқ”ка ўралган “ахборот уруши” доирасида олиб борилмоқда. Милоддан аввалги ИИ асрда хитойлик саркарда Сун Сзи томонидан айтилган: “Юз маротаба жанг қилиб, юз маротаба ғалаба қозониш ғалабанинг аълоси эмас, ғалабанинг аълоси жангга кирмасдан туриб душманни маҳв этишдир” ғояси даврнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда.

Ахборот уруши глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турфа хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини айтиш ўринли. Албатта, бугунги кун учун бу ҳолат янги эмас. Инсоният тарихида чуқур из қолдирган қудратли шахслар ҳарбий аслаҳалардан минг чандон устун турган “ахборот қуроли”дан самараали фойдаланиб келганлар. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишдаги изланишлар хорижий мамлакатларнинг қатор ақлий марказларида XX асрнинг 60-йилларидаёқ бошланган. Бирлашган Қироллик Бош вазири Уинстон Черчиллнинг: “Ҳақиқат ўз шиппагини кийгунига қадар, ёлғон бутун дунёни кезиб чиқишига улгуради” ибораси айнан ахборот урушининг мазмунини белгилаб беради.

Бугунги кунда минтақа ва юртимизга қарши қаратилған “ахборот куроли”дан фойдаланиш құлами тобора ортиб бормоқда. Маълумки, “Ахборот уруши” ҳарбий хатти-харакатларга нисбатан жуда арzon бўлиб, у ядро қуролидан ҳам қудратлироқ кучга эга. Яъни, ахборотга эга шахс ҳар қандай жараённи назорат қила олиши ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдалана олиши имкониятини қўлга киритади. Бу курашнинг обьекти ҳам, субъекти ҳам Инсон саналади. Айрим давлатлар томонидан илгари сурилаётган консепсия ва доктриналарда “инсонлардаги ижтимоийлашув ғояларини йўқотиш зарур”лиги очиқдан-очиқ айтилади.

Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган фармонда маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилади.

Бугун атрофимизда маданият соҳасида кечаётган воқеаларни таҳлил қилиб кўрсак, индивидуализм – шахсиятпарастлик ғояларининг тарғиботини кўрамиз. Аксарият бадиий фильм, реклама, жумладан кўчалардаги баннерларда, мусиқа ва клипларда фақат пул, бойлик ва маънавиятсизлик тарғиботига кўзимиз тушади. Айрим ҳолларда мутлақо миллий маънавиятимизга зид кўринишлар, саҳналар намойиш этилади. Бозор иқтисодиёти муносабатларида бундай “бадиий асарлар” яратилишида фақат айрим “сармоядорлар” ҳомийлик қилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Абу Райхон Беруний “Инсон зоти барча ҳайвонлардан устун яратилған, зоро унга юксак шараф – ақл куч берилған” деган фикрни билдиради. Ўз фикрини давом эттирад экан “Инсон ўз эҳтиёжларининг кўплиги ва ҳимоя воситаларидан чекланганлиги ҳамда душманларнинг кўплиги оқибатида ўз яқинлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш ва муайян вазифаларни бажариш орқали мавжудлигини таъминлаш мақсадида жамоаларга бирлашишларига зарурият сезди”, деб айтади.

Миллий-маънавий қадриятларимизга хуруж кеча ёки яқин ўн йилликлар олдин эмас, балки бир неча аср аввал бошланган. “Демократик нур” олиб келишга интилған қатор ёзувчи-шоирлар, кинорежиссёрлар, санъат арбоблари аждодларимиз нақадар қолоқ, маданиятсиз бўлганликларини ифода этувчи асарлар ижод этганлар. Афсуски улар орасида халқимизнинг манкуртлашган “фарзандлари” ҳам бўлиб, уларнинг бу борадаги жонбозликларини ҳали-хануз кўриш мумкин.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгосентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилған хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди. Юртимизда шахсиятпарастликни кучайтириш, жамиятни пароканда қилиш, маданиятимизни йўқотишга қаратилған ахборот хуружи тизимли асосда олиб борилмоқда. Мазкур жараёнлар хорижий ақлий ва таҳлилий марказлар доирасида ишлаб чиқилиши билан бирга, ушбу жараёнга юртдошларимизнинг ҳам жалб этилиши, афсуски кузатилмоқда.

Тўғри, инсонларда бир хил қадрият ва бир хил эҳтиёжлар бўлмайди. Форобий фикрига қулоқ тутсак, “инсонда мажбурият ва масъулият бўлиши фозил шаҳар”га, акси бўлса жоҳил шаҳарга олиб келишини айтади. Инсонлар эса қайси жамиятда яшашни афзал кўришларини танлаши зарур бўлади.

Айнан шу сабабли оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда Марказий Осиё минтақасидаги воқеаларни шишириб кўрсатишга уринишлар орқали муентазам ахборот хуружи олиб борилиши кузатилади.

Бугунги воқеликни илмий таҳлил қилиш асосида қўйидаги йўналишларда “ахборот хуружи” олиб борилаётганини кўриш мумкин:

Биринчи йўналиш, давлат раҳбари, депутатлар, ҳукумат аъзолари шаъни ва фаолиятига нисбатан хуруж;

Иккинчи йўналиш, олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини тушириш, халқнинг ишончини йўқотишга қаратилган интилиш;

Учинчи йўналиш, жамиятни турли гурухларга ажратиш орқали дефрагментациялаш, уларни бир-бирларига қарши қўйиш;

Тўртинчи йўналиш, миллий ва маънавий қадриятларни барбод қилиш, “оммавий маданият”га асосланган сохта қадриятларни сингдириш.

Бешинчи йўналиш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар – ички ишлар, мудофаа, хавфсизлик идоралари фаолиятига нисбатан салбий кайфиятни тұғдираш;

Олтинчи йўналиш, келгусида муайян мақсадларни амалга ошириши мумкин бўлган шахсларни оммалаштириш, уларни “халқ қаҳрамонлари”га айлантириш.

Демак, ахборот хуружини бартараф этиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқий, тузилмавий ва ғоявий асосларни ўзида мужассам этган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилган. Бу борада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташқи хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва бащорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат миллий манбаатларининг ахборот соҳасидаги миллий манбаатларини кафолатли таъминлаш муҳим аҳамият қасб этади.

Турк ёзувчиси, шоир ва сиёсатшунос Нихал Ацизнинг “Миллат ва Ватан хоини бўлиш учун душманларга ҳарбий сирларни ўғирлаб, сотиши шарт эмас. Душманларни алқаш, уларнинг мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш, ўз маданияти ва тарихини инкор этиш – бу ҳам хиёнат саналади”, деган фикрини эслаш ўринли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миронович Мирзиёевнинг ушбу қарори фуқароларнинг, қолаверса ёшларнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши, одамлар билан муносабатида янги қарашларни пайдо қилишда асосий омил бўлиб хизмат қиласи. Зоро, маънавиятли жамият ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда, биринчидан, тарғибот-ташвиқот тизимини шакллантириш, иккинчидан, ташқи ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манбаатлар негизида кўриб чиқиш ва баҳо бериш, учинчидан, миллий мафкура негизларини аниқлаш

ва аниқ сиёсий мақсадларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш керак бўлади.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, ахборот-коммуникацион технологияларидан жамият соҳаларининг барча жабҳаларида фойдаланишнинг кенгайиб борилаётганлиги ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳамда ахборот хуружларининг кучайиб бориши ва уларнинг ёпиқ характерга эга эканлигини инобатга олиб, у биздан ахборотга бўлган тақчилликнинг олдини олиш (миллий ахборот маконини ривожлантириш), содир бўлган воқеликка тўғри ва холис баҳо бериш (амалга оширилаётган ахборот ҳужумларини таҳлил қилиш ва башоратлар бериш), турли ёт ғояларга (қўпорувчилик руҳидаги) қарши курашиб ва бу соҳада етук мутахассисларни тайёрлашни талаб қиласди. Ҳар бир ахборотни қабул қилаётган шахслар уни ҳақиқат ёки ёлғон эканлигини дастлабки ўқишида ажратиш даржасига етказиш муҳимдир.

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ахборот нима?
2. Ахборот хуружи деганда нимани тушунасиз?
3. Ахборот хуружи турлари?
4. Ахборот хуружи белгилари?
5. Ахборот хуружи уларнинг мазмун ва моҳияти?
6. Республикаизда кириш мумкин бўлмаган сайт ва гуруҳларни биласизми?
- 7.

4-МАВЗУ: ИИО ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ПЛАНШЕТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ (E- МА’MURIY ISH ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ).

Маъруза машғулоти (1 соат)


Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. “E-ma’muriy ish” тизими имкониятлари.

2-ўқув саволи. “E-ma’muriy ish” тизимидан фойдаланиш.

1-ўқув саволи. “E-ma’muriy ish” тизими имкониятлари.

Янги баённомани қўшиш (соддалаштирилган)




1-Қадам. Интерфейснинг чап менюсидаги “+” белгисини босинг!

2-Қадам.Баённомани қўшиш вариантини танланг!

1.Соддалаштирилган баённома, жабрланувчи, гувоҳ, холис, иштирокчилар ва олиб қўйилган ашёвий даллилар йўқ.

2.Оддий тартибда баённома, барча маъмурий иш иштирокчилари киритилади бунда жабрланувчи, гувоҳ, холис, иштирокчилар ва олиб қўйилган ашёвий даллиллар.



3-Қадам.Баённомани киритиш сахифаси! Баённомани қўшиш учун Сиз Шакл-1 бўйича шахсни (хукуқбузарни)излаб топишингиз лозим. Излаш хукуқбузарнинг “ФИО”, хужжат серияси ва рақами билан амалга оширилади.

1. **Қайта тиклаш.** Излаш параметрларини тиклаш.
2. Излаш (F5), хукуқбузарни қидириш. Тугмасини ёки клавиатурадаги “F5” тугмасини босиш орқали маълумотларни топиш мумкин.

4-Қадам. И З Л А Ш!

Шахс тўғрисидаги маълумотларни топиш учун алоқа канали ёки ВПН алоқа тармоғи тезлиги ҳамда сўровингиз аниқлигига қараб бир неча сониядан – дақиқаларга қадар давом этилиши мумкин.



Идет поиск

5-Қадам. Қидирув натижаси!

Шахс хақидаги маълумотларни диққат билан ўқиб чиқиб, ҳукуқбузарга тегишли маълумотларга аниқлик киритиб, ишонч хосил қилинг.

1. Шахсни танланг.
2. Давом этиш тутмасини босинг.

The screenshot shows a search interface with tabs for 'Нарушитель' (Offender), 'Информация' (Information), 'Квалификация' (Qualification), and 'Подтверждение' (Confirmation). The 'Нарушитель' tab is active. In the search bar, 'AIDURAKHMANOV' is entered. Below the search bar, there are fields for 'Фамилия', 'Имя', 'Отчество', 'Годы в номере документа', and 'Номер документа'. A date range selector and a 'Найти' (Search) button are also present. The search results show two identical entries for 'AIDURAKHMANOV' with the same details: 'ИДЕНТИФИКАЦИОННЫЙ НОМЕР' (ID NUMBER) 00000000000000000000000000000000, 'ГРАЖДАНСКАЯ ЧАСТЬ' (CIVIL PART) 00000000000000000000000000000000, and 'ПОЛНОЕ ИМЯ' (FULL NAME) AIDURAKHMANOV. Both results have a small profile picture and a 'Подтвердить' (Confirm) button at the bottom right. A red arrow labeled '1' points to the 'Подтвердить' button of the first result, and another red arrow labeled '2' points to the 'Подтвердить' button of the second result.

6-Қадам. Ҳукуқбузар ҳақидаги маълумот! Ҳукуқбузарнинг манзили:
Тўлдирилиши лозим бўлган биринчи навбатта ҳукуқбузарнинг амалдаги яшаш манзили.

The screenshot shows a 'Создать протокол' (Create protocol) form. The tabs at the top are 'Нарушитель' (Offender), 'Информация' (Information), 'Квалификация' (Qualification), and 'Подтверждение' (Confirmation). The 'Информация' tab is active. On the left, there is a section titled 'Адрес нарушителя' (Address of the offender) with a dropdown menu. The dropdown shows '1 - УЗБЕКИСТАН' (1 - Uzbekistan) selected. Below the dropdown, there is a text input field containing 'УЗБЕКИСТАН, ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯНКАСАРДАЙ ОИДИЙ - АЗ, КИМО КОЧНАСИ 6-Э1' and a 'Сохранить' (Save) button. To the right of the dropdown, there is a vertical list of five items: 'Адрес нарушителя' (Address of the offender), 'Информация о занятости' (Information about employment), 'Признак опьяненое' (Sign of intoxication), 'Юридическое лицо' (Legal entity), and 'Субъект' (Subject). A red box highlights the address input field and the 'Сохранить' button. A red arrow points to the 'Сохранить' button.

Тизимда яшаш манзилини паспорт тизими Шакл-1 ёрдамида ёки “Манзил” ахборот тизими орқали топиш мумкин. Керак бўлган манзилни танлангандан сўнг, нусха олиш тутмасини босинг. Агар хукуқбузар бошқа манзилда яшаса, кўрсатиб ўтилган барча майдонларни қўлда киритиш лозим.

7-Қадам. Хукуқбузарга тегишли бўлган маълумот ҳамда унинг бандлик тўғрисидаги маъмотлар кўрсатилади!

Ушбу бошқичда Сиз хукуқбузарнинг алоқа воситаси тўғрисидаги маъмотларни киритишингиз ва асосий ҳамда иккинчи хизмат рақамларни киритиш ҳамда хукуқбузарни хабардор этиш учун усулини танланг.

Хукуқбузарнинг сўзларига кўра, иш жойи, касби, лавозими ҳамда қўшимча маъмотларни.

The screenshot shows a mobile application interface for reporting a crime. The first section, 'Контактные данные' (Contact Information), includes fields for phone numbers (+998 999 503-50-50 and +777 777-77-77) and messaging methods (SMS and Viber). The second section, 'Информация о занятости' (Employment Information), shows dropdown menus for 'Род занятий' (Occupation) set to 'Студент' (Student), 'Место занятия' (Place of work) set to 'УНИВЕРСИТЕТ ТАГУ' (Taganrog State University), 'должность' (Position) set to 'СТУДЕНТ' (Student), and 'Дополнительная информация' (Additional information) set to 'БАКАЛАВР ИКУРД' (Bachelor Ikerd).

8-Қадам. Хукуқбузар ҳақида маълумот!

Мастлик белгиси!

Жинояччи маст бўлса, сиз унинг мастлик белгисини кўрсатишингиз лозим.

1. Мастлик бўлган тутмани босинг.
2. Мастлик белгисини танланг.

The screenshot shows a mobile application interface for reporting a symptom. The title is 'Признак опьянение' (Symptom of intoxication). Below it, a question asks 'Выберите признак' (Select the symptom) with three options: '1 - АЛКОГОЛЬНОЕ' (Alcoholic), '2 - НАРКОТИЧЕСКОЕ' (Narcotic), and '3 - ДРУГОЕ' (Other). A red arrow labeled '2' points to the '1 - АЛКОГОЛЬНОЕ' option, and another red arrow labeled '1' points to a checked checkbox labeled 'Человек пьян' (The person is drunk).

9-Қадам. Хукуқбузар ҳақидаги маълумот. Юридик шахс!

Агар хуқуқбузарлик юридик шахс томонидан содир этилган бўлса, юридик шахс хақида маълумот киритишингиз лозим.

1. Хуқуқбузар юридик шахс ҳисобланса тугмани босинг.
2. Юридик шахснинг ИНН киритинг ва қидиув тугмасини босинг ёки кўлда барча маълумотларни киритинг.
3. Юқоридаги барча майдонларни тўлдириш охирида эса кейинги босқичга ўтиш учун давом этиш тугмасини босинг.

2-ўқув саволи. “E-ma’muriy ish” тизимидан фойдаланиш.

10-Қадам. Қайта малакалаш. Содир этилган жой.

З-босқичи Қайта малакаланган хуқуқбузарнинг маъмурий баённомаси кўшишилган.

Хуқуқбузарнинг жойини, вилоят ва туманни танлаб бўлмайди, чунки улар сизнинг жойингиздаги маълумотлар автоматик равишда тўлдирилади.

11-Қадам.Хуқуқбузарликнинг қайта малакалаш!

Қоидабузарликни ҳолатини. Сиз моддани танлаган ҳолда киритишингиз керак ҳамда бу қоидабузилишнинг такрорланишини бўйича излашингиз лозим.

1. Содир этилгин санаси ва вақтини тузилган вақтида тизим орқали автоматик равишда берилади. Масалан, содир этилган санаси бир неча кун олдин бўлса, бошқасини танлашингиз ҳам мумкин.

2. Модда. Ўзингизга тегишли бўлган ваколатингиздаги кўриб чиқиладиган моддани киритасиз.

3. Модданинг қисмини кўрсатинг.

4. Барча моддаларда қоидабузарликлар тури фактат ЙҲҲБ хизмати ёки ЁҲБларда бўлади қолганларда мавжуд емас.

Барча катакларни тўлдирганингиздан сўнг, хукуқбузарга тегишли бўлган содир этган маълумотларни "такрорийликни қидириш" тугмасини босишингиз керак»

Квалификация нарушения

Дата и время совершения	1 11.04.2021 (14:27)
Статья	2 56-ПРИМ 1 УПОТРЕБЛЕНИЕ ТАБАЧНОЙ ПРОДУКЦИИ В ОБЩЕСТВЕННЫХ
Часть	3 56 - СТАТЬЯ ПРИМ 1
Вид нарушения	4 Выберите вид нарушения

Поиск читаемости

12-Қадам. Қидириув тугмаси!

Такрорий қидириув тугмасини босилганда, бир йил давомида такрори хукуқбузарлар, моддалар, квалификациясини рўйхати кўринади.

-Агарда рўйхат бўш бўлса, бекор қилиш тугмаси босинг.

-Агарда сиз рўйхатда керак баённомани кўрсангиз, танлаш тугмасини босинг ва қабул қилинг.

Повторности нарушения по выбранной статье											
Найдено повторных нарушений: 3											
№ п/п	ФИО нарушителя	ФИО нарушителя	Дата совершения	Дата совершения	Суть нарушения	Статус	Вид нарушения	Зарегистрирован	Дата регистрации	Назначенный	Срок исполнения
1	Ильяев Абдулжон Абдулжонович	Каримова Гульнара Гулжановна	08.04.2021 08:00:00	14.04.2021 12:20:00	ПОРЯДОЧНОСТЬ МИЛЛЕТИЧЕСКАЯ	Женщина	Подозрение	0001-0000000001	21.04.2021 12:00:00	Албакаров	10.05.2021 12:00:00
2	Ильяев Абдулжон Абдулжонович	Каримова Гульнара Гулжановна	08.04.2021 08:00:00	14.04.2021 12:20:00	ПОРЯДОЧНОСТЬ МИЛЛЕТИЧЕСКАЯ	Женщина	Подозрение	0001-0000000001	21.04.2021 12:00:00	Албакаров	10.05.2021 12:00:00
3	Ильяев Абдулжон Абдулжонович	Каримова Гульнара Гулжановна	08.04.2021 08:00:00	14.04.2021 12:20:00	ПОРЯДОЧНОСТЬ МИЛЛЕТИЧЕСКАЯ	Женщина	Подозрение	0001-0000000001	21.04.2021 12:00:00	Албакаров	10.05.2021 12:00:00

Очистить Сохранить

13-Қадам. Қайта малакаланган. Қўшимча маълумотлар!

Хукуқбузар хақида қўшимча маълумотларни кўрсатиш талаб этилади.

1. Тафсилот. 50 та харифдан кам бўлмаслиги керак.

2. Давлатга етказилган зарар. Давлатга етказилган зарар бузилганлиги қайд этилган бўлса киритиш лозим, агар зарар суммасини бўлмаса катакларни бўш қолдиринг.

3. Тушинтириш хати. Хукуқбузарнинг сўзидан тушинтириш хати ёзилсин. (50 та харифдан кам бўлмаслиги лозим). Барча маълумотлар тўлдирилгандан сўнг, **ДАВОМ ЭТИШ** тугмасини босинг.

14-Қадам. Тасдиқлаш!

Баённомани қўшишнинг оҳирги қадами.

Сиз илгари киритган барча маълумотларни текширишингиз керак. Барча маълумотлар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг, сиз хукуқбузарнинг электрон имзосини ва баённома тузувчиси сифатида ўзингизнинг имзоингизни қўйишингиз керак

1. Маъмурий баённомага розиман ёки рози эмасман

2. Хукуқбузарни электрон маъмурий баённомани имзолаши

3. Маъмурий баённомани тузган шахс электрон имзоси билан тасдиқлаши

15-Қадам. Электрон рақамли имзолар тўплами!

График имзо. Ҳуқуқбузарни имзосини қаторга чиқариш.

1. **Киритишни тозалаш.** Агарда ҳуқуқбузарнинг имзоси хато киритилган бўлсада уни ўчириш

2. **Бекор қилиш.** Имзо ойнасини сақламастан ёпади.

3. **Тасдиқлаш.** Имзо тасдиқланиб, ойна ёпилади.

И М З О!



16-Қадам. Тасдиқлаш!

Ҳуқуқбузарнинг имзосини ва маъмурий баённомани тузган шахснинг имзосини олгандан сўнг, **ДАВОМИ ЭТИШ** тутмасини босинг, маълумотларни базага сақлаш учун.

Диққат!!! бу амалдан кейин протокол маълумотларини ўзгартира олмайсиз. Баённомани сақлаб, уни тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлайсиз. Агарда маълумотларда нотўғри тўлдирилган бўлса, жавобгарлик маъмурий баённомани тузган мансабдор шахс зиласига юклатилади.

A screenshot of an electronic protocol creation form. At the top, there are four tabs: "Нарушитель" (selected), "Информация", "Квалификация", and "Подтверждение".

Протокол об административном правонарушении
В соответствии со статьями 269, 279 и 281 Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан

Срок и номер
После сохранения Дата 11.04.2021 Время 14:27
Область, город, район
ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯШНАБАДСКИЙ, МТП КАТТА КУЙЛИК

Составленное правонарушение, указанное в Кодексе об административной ответственности Республики Узбекистан

Статья 56	Часть 0	Дата составления 14:27	Время совершения 11.04.2021	Вид нарушения Нет данных
-----------	---------	------------------------	-----------------------------	-----------------------------

Информация о предыдущем административном правонарушении
Признак отменения
АЛЮГИЛЬНОЕ

Электронная подпись нарушителя
Я согласился с протоколом и ми раскажано ми права и обязанности в соответствии со статьей 294 Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан

Признак согласия
■ Я согласен ○ Я не согласен

Электронная подпись

Продолжить →

A red arrow points from the text "И М З О!" down to the "Продолжить" button at the bottom right of the form.

17-Қадам. Тасдиқлаш! Маъмурий баёномани сақлаш учун, тасдиқлаш тугмасини босинг.

18-Қадам. Қўшимча маълумотларни киритиш!

Тасдиқлаш тугмасини босганингиздан сўнг. Сизнинг маъмурий баёномангиз ишингиз муваффақиятли сақланган. Ушбу маъмурий баёномага автоматик равишда серия, рақами, сана ва вақт тизим орқали берилади.

Бу босқичда сиз ушбу баённома билан боғлиқ хужжатларни (файлларни) қўшишингиз керак бўлади (масалан, хуқуқбузарнинг тушунтириш хатини сканерлаш ва ҳоказо.). Хужжатларни қўшиш учун **ҲУЖЖАТ ҚЎШИШ** тугмаси

Добавить дополнительные сведения


Протокол об административном правонарушении
В соответствии со статьями 269, 279, и 281 Кодекса об Административной ответственности Республики Узбекистан

Номер протокола	PTSH-2107300000016	Место	11.04.2021	Время	15:24	Область/район	ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯШНАБАДСКИЙ		
Статья	56	Часть	-	Дата обнаружения	11.04.2021	Время совершения	14:27	Вид нарушения	-

Документы

Добавить документ +

босилади.



19-Қадам. Ҳужжат қўшиш!

ҲУЖЖАТ ҚЎШИШ тугмасини босгандан сўнг.

Сизга ҳужжат қўшиш учун шакл очилади. Ҳужжат турини танлашингиз, тавсифни тўлдиришингиз керак. Сканер тугмасини босиб юклаш. Сиз компьютерингизда ҳужжат файлини танлашингиз керак.

1. **Бекор қилиш.** Тизимдаги барча киритиш маълумотлари ва харакатларингизни бекор қилинг.

2. ҚҰШИШ. Баённомага тегишли бўлган маълумотларингизни қўшинг ва сақланг.

Добавить документ

Заполните необходимые поля для добавления документа

Тип документа: 03 - ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА

Название: ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ НАРУШИТЕЛЯ

Описание: ТЕКСТ ОПИСАНИЯ

Файл документа:

Рисунок 1.tif (7kb)

Сохранить Добавить

20-Қадам. Ҳужжат муваффақиятли қўшилди!

Ҳужжат муваффақиятли қўшилганлиги ҳақида хабар берилади. Ҳужжатлар рўйхатида сиз қўшилган ҳужжатингизни тегишли маълумотлар билан кўрасиз. Ушбу ҳужжат ҳар доим баённомада кўрсатилган ҳукуқбузарга боғланган.

Ҳужжатлар билан харакат.

1. Файилни кўриш.
2. Ҳужжатни ўчириш учун сабабини асосини кўрсатилгандан сўнг ўчириш мумкин.

Добавить дополнительные сведения о документе

Документ добавлен

Протокол об административном правонарушении

Изложенное в статьях 209, 276 и 281 Кодекса об Административной ответственности Республики Узбекистан

Справочный номер	Дата	Время	Город, район
РТЗН-2107300009016	11.04.2021	15:24	ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯШНАБАДСКИЙ

Страница 56

Документы

Дата	Физикант	Тип документа	Название	Описание	Загрузка	действие
11.04.2021	АЗЛАРОВ ШАБИХ КАЗАМОНОВ	ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА	ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ НАРУШИТЕЛЯ	ТЕКСТ ОПИСАНИЯ	АДВИРАЗМАНОВ УЛУБЕК АЛИШЕР ОУЗ	1 2

21-Қадам. Ҳужжатни ўчириш! Ҳужжатни ўчириш учун ўчириш сабабини кўрсатинг ва асос бўлган ҳужжатни илова қилинг.

1. Ҳужжатни ўчириш амалини бекор қилиш.

2. Ўчириш. Баённомадан хужжат ўчирилади.

Удалить документ

Вы действительно хотите удалить документ?
Данное действие необратимо.

Причина удаления: 11 - В связи с вновь выявленными обстоятельствами

Причина удаления: 123123

Документ основание:

Загрузить файл

1 2

22-Қадам. Сақлаш ва давом этириш! Баённомага барча хужжатларни кўшгандан сўнг, САҚЛАШ ВА ДАВОМ ЭТИШ тутмасини босинг.

Добавить дополнительные сведения

Протокол об административном правонарушении
в соответствии со статьями 269, 270 и 271 Кодекса об Административной ответственности Республики Узбекистан

Серий и номер PTSH-210730000016	Дата 11.04.2021	Время 15:24	Область, район ГОРОД ТАШКЕНТ, ЯЗИНАВАДСКИЙ	
Статья 56	Часть -	Дата совершения 11.04.2021	Время совершения 14:27	Вид нарушения -

Документы

Добавить документ

Дата	Фотоудостоверение	Тип документа	Название	Описание	Заголовок	Действия
11.04.2021		ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА	ОБЪЯСНИТЕЛЬНАЯ НАРУШЕНИЯ	ТЕКСТ ОПИСАНИЯ	ABDURAXMANOV ULUGBEK ALISHER OGU	

Сохранить и продолжить

23-Қадам. Кўриб чиқиши учун соддалаштирилган тартиб!

Баённома соддалаштирилган шаклда тузилганлиги учун. қоидабузарликда эса ҳуқуқбузар, жабрланувчи, жисмоний далиллар бўлмаган. Дастур ва унинг кейинги амаллари. Агар баённомани тузган шахс қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унда қарор қабул қилиш ойна очилади.

Жазо чораси-ЖАРИМА.

1. Жарима суммасини кўрсатиш мажбурий.
2. Қарор қабул қилувчининг электрон имзоси.

Упрощенное рассмотрение

Метод оплаты - ШАЛАНГ
Штраф от до

Сумма штрафа

Введите сумму

Электронная подпись

Нажмите чтобы
вызвать метод
электронной подписи

Принять

Суммани ва имзони киритгандан сўнг қабул қилиш тугмасини босинг.

24-Қадам. Қарор қабул қилинган!

ҚАБУЛ ҚИЛИШ тугмасини босгандан сўнг.

Сиз автоматик равишда баённомангизга ўтасиз. Қарор муваффақиятли қабул қилинганидан хабардор бўласиз.

Нашине вынесено

Дело № 2100000016	от 11.04.2021	id 13	Решение вынесено
Орган рассмотрения ГУПП Шахматы ГОРОД ТАШКЕНТ		Подразделение-отделение рассмотрения Район ЯШНАБАДСКИЙ	
ФИО нарушителя ABDURAXMANOV ULUGBEK ALISHER O'G'LII		Дата рассмотрения 11.04.2021 (15:51)	

Нарушители Участники дела Решение Документы Выездные Передачи органов Суд

Нарушители дела

Нарушитель

25-Қадам. КВИТАНЦИЯ!

Бундан ташқари, чиқарилган қарор автоматик равишда тўлов квитанциясига юкланди. Файлни чоп этиб ва уни тўлов учун хукуқбузарга беришингиз мумкин.

5-МАВЗУ: “БОДИКАМЕРАЛАР”НИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Бодикамеранинг ички ишлар органлари фаолиятидаги вазифаси.

2-ўқув саволи. Бодикамеранинг ИИО соҳавий хизматлардаги ўрни.

1-ўқув саволи. Бодикамеранинг ички ишлар органлари фаолиятидаги вазифаси.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги хизмати ЙПХ ходими 2020 йил 1 январдан бошлаб хизмат вазифасини бажаришда бодикамералардан фойдаланилиш амалиёти жорий қилинди.

Бодикамера – жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқороларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган хукуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна.

Бодикамера орқали ёзиб олинган аудио-видео ёзувлардан профилактик тадбирларда жамоат жойларида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни текшириш, содир этилиши мумкин бўлган хукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниqlаш ҳамда жамоат

хавфсизлигини таъминлашда ашёвий далилларни тўплаш, шунингдек, масъул раҳбарлар томонидан ходимларнинг хизмат ўташ жараёнини текшириш ҳамда назорат қилиш мақсадида фойдаланилади.

Бодикамерага тегишли дастурлар ўрнатилди, сим карталар билан таъминланди ва ҳимояланган VPN-каналлари орқали алоқа йўлга қўйилди. Тармоқни ташкил этиш мақсадида «Ўзбектелеком» АЖНИНГ уяли алоқа тизими (2G/3G)дан фойдаланилади. Биргина Тошкент шаҳрига 2 минг 876та бодикамера ажратилди.



1-расм. Бодикамера қурилмаси, тавсифи ва вазифалари.

Бодикамерани ЙПХ ходими бошқармайди ва уни ўчириш имконига эга эмас. Барчаси марказий сервер орқали назорат қилинади. Бир марта қувват олганда, 8 соат узлуксиз ишлайди. Қувват тугаганда, автоматик қувватлагичга уланган ҳолда доимий фаолиятини олиб бориши мумкин. Бодикамера 25-30 метргача масофадаги обьектни тасвирга ололади ва маълумотлар бир ойгача сақланади.

Йўлдаги қонунбузилиш ҳолатларининг атига 20 фоизини инсон омили аниқлаш имконига эга. Бодикамералар эса буни 100 фоиз аниқлай олади. Демак, қонунбузилиш ҳолатларини тўлиқ фиксация қилиш ва бартараф этиш учун шароит бўлади.

“Бодикамера” мосламаси аудио- ва видеоконтентни (FullHD форматида) ёзиш ва марказлашмаган тарзда сақлаш, кейинчалик қўриб чиқиши, фавқулодда вазиятларда марказлашган диспетчерлик хизматига “хавотир” сигналини етказиши, реал вақт режимида мобиљ гурухларнинг жойлашувлари ва фаолиятларинин масофадан туриб мониторинг қилиш имкониятини берувчи мосламадир. Қизиқарлиси, бодикамера мосламаси инфрақизил ёритиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, ушбу қурилма тунги вақтда ҳам ўн метрлик масофани ёритиб, видеога олиб бориш имкониятини беради.

Ходимда контентни ёзилиш жараёнига аралашиш, уни таҳрир қилиш ва ўчириш имконияти йўқ: камера, ходим уни қабул қилиш вақтидан бошлаб, қатариб топширгунга қадар видеога олиб боради. Мослама корпуси очилмаслиги учун махсус ҳимоя билан жиҳозланган.

Шунингдек мослама ёрдамида радиоалоқага чиқиши имконияти бўлиб, ушбу имконият ходимларни рациядан беҳожат қилади.

Мосламанинг хотира картасидан серверга маълумотларни кўчириш, маҳсус дастурий таъминот томонидан WI-FI маълумотлар кўчириш симсиз тармоғи ёрдамида доимий дислокация жойига етиб келгач амалга оширилади (архивга сақлаш жараёни инсон аралашувисиз амалга ошади). Марказ операторида мосламага масофадан туриб боғланиш ва назорат қилиш имконияти мавжуд.

Мониторинг марказидаги маҳсус электрон картада ҳар бир ходимнинг айни вақтда жойлашган манзили, ҳамда ушбу манзилнинг патруллаш йўналишига мувофиқлиги акс этади.

Бундан ташқари, шу ерда фавқулодда вазиятлар ҳолатларида ҳаракатлар координацияси амалга оширилади: мониторинг марказига автоматик тарзда гео, аудио ва видеомаълумотлар ёпиқ (ҳимояланган) алоқа каналлари орқали етказилиб турилади.

Қайд этиши жоизки, бодикамераларни ишга тушириш – шаҳарда қулайлик ва хавфсизлик даражасини ошириш, шунингдек ички ишлар ходимлари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳурматли диалог ўрнатиш йўлидаги муҳим қадамдир.

2-ўқув саволи. Бодикамеранинг ИИО соҳавий хизматлардаги ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартағи ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ:

Жазони ижро этиши тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳужжатга асосан ҳар кунлик иш фаолиятини олиб бораётган ёки кунлик хизматга жалб этилган ходим маҳкумларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда улар томонидан жиноят ва тартиббузарликлар содир этилишини аниқлаш учун бодикамералар билан таъминланади.

Бодикамера қуидаги ҳолларда ишлатилади:

- кун тартибидаги тадбирларни амалга оширишда;
- умумий ва кунлик тинтувлар ўтказиш ҳамда қўздан кечириш жараёнида;
- маҳкумларни жазони ижро этиши муассасасига қабул қилишда;
- жиноят ва тартиббузарликлар содир этилганда;
- маҳкумларнинг хулқ-атворини назорат қилишда;
- маҳкумлардан тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмлар олинганда;
- маҳкумларга нисбатан жисмоний куч, маҳсус воситалар ҳамда тинчлантириш қўйлагини қўллаш чоғида;
- маҳкумларни ишга олиб чиқиш ва ундан қайтишда;
- маҳкумлар ва фуқароларни қабул қилиш жараёнида;
- фуқаролардан олинган йўқловларни қабул қилишда ҳамда посилка ёки йўқлов ва бандеролларни тарқатиш вақтида;
- маҳкумларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда;

- маҳкумларнинг учрашувларини ўтказиш жараёнида;
- маҳкумларга нисбатан интизомий жазо ва рағбатлантириш чоралари кўлланилаётган вақтда ҳамда маҳкумлар интизомий бўлинмага киритилаётганда ва чиқарилаётганда.

Бодикамера ходим хизмат вазифасини бажаришга киришганидан бошлаб ишга туширилиши ва нарядни топширгунига қадар ишлатилиши лозим (хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш вақти бундан мустасно).

Бодикамерадан шахсий мақсадларда фойдаланиш, уни бошқа ходимлар, маҳкумлар ва бошқа шахсларга бериш ҳамда ўз хоҳиши билан ўчириб қўйиш тақиқланади. Бодикамера хизмат вақтида доимо ишчи ҳолатда бўлиши шарт.

Шунингдек, маҳкумлар билан бодикамера орқали ёзиб олинган сұхбатларни Интернетга жойлаштириш, маҳкумнинг оила аъзоларига ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич «E-patrol» тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти «бодикамера» дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, ходимларнинг фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартиби, «E-patrol» тизимидан фойдаланиш тартиби ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг мазкур тизимдан фойдаланиш жараёнидаги мажбуриятлари, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш, «бодикамера» орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби белгилаб берилди.

6-МАВЗУ: ОЧИҚ МАНБАЛИ ҚИДИРУВ УСУЛЛАРИ.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Очик манбалар тўғрисида маълумот. Қидирув тизимлари. Қидирув тизимлари орқали маълумотларни излаш усуллари.

2-ўқув саволи. Очик манбаларда фойдаланиладиган дастурйи воситалар.

1-ўқув саволи. Очик манбалар тўғрисида маълумот. Қидирув тизимлари. Қидирув тизимлари орқали маълумотларни излаш усуллари.

Очиқ манбали қидирув усуллари (OSINT – open source intelligence) - разведка мақсадлари учун очик манбалардан олинган маълумотларни аниқлаш, йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобот бериш жараёнидир. “Интернет барча нарсани эслаб қолади” деган нақл бор. Бу ҳақиқатдан ҳам шундай. Агар маълумот бир марта ўчирилган ёки ўзгаририлган бўлса ҳам, барча маълумотларни битта массивга тўплаш ва таҳлил қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд.

Очиқ манбали разведка тарихи. OSINT нинг келиб чиқиши рақамли технологиялар ва интернетни жорий этишдан анча узоқни қамраб олади. OSINT Совуқ уруш даврида, айниқса Совет Иттифоқи ва Хитой бўйича разведка маълумотларини йиғиш учун етакчи разведка йўналишига айланди. Совуқ урушдан сўнг муҳим глобал технологик, тижорат ва сиёсий ўзгаришлар OSINT имкониятлари ва кўламини янада оширди. Шуниси эътиборга лойиқки, оммавий ахборот воситаларида нашрлар тарқатилишининг кенгайиши, телевизорнинг ихтиро қилиниши ва интернетнинг пайдо бўлиши қидирув ташкилотларига очик манбалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди ва бойитди.

Дунёга энг машҳур қидирув тизими бу Google қидирув тизими ҳисобланади. Стенфорд университетида Ларри Пейж ва Сергей Брин томонидан ишлаб чиқилган *BackRub* прекурсори 1996-йилдан бошлаб ишлай бошлади. Қидирув тизими 1997-йил 15-сентябрида Google номи билан интернетга кирди. Кўпчилик одамлар учун Google қидирув тизими осон кўринади. Бироқ, фойдаланувчиларнинг кўпчилиги қидирув тизими имкониятларидан самарали фойдалана олмайди. Улар одатда Google қидирув тизимида жумла ёки калит сўзларни ёзиш билан чегараланади ва биринчи саҳифадагина мос натижаларга эришиши мумкин. Google қидирув тизимида юз минглаб ёки миллионлаб натижаларни кўриб чиқишдан кўра, қидирувни яхшилаш имконияти ҳам мавжуддир. Бунинг учун Google қидирув тизимида маҳсус операторлардан фойдаланиш мумкин. Қидирув операторларини асосий ва мураккаб турларга ажратиш мумкин.

Асосий операторлар:

- “ ” қўштириноқдан фойдаланиш;
- “-” орқали сўзларни ҳисобга олмаслик;
- “+” орқали аниқ сўзни қўшиш;
- “*” жумладаги номаълум сўзни ўрнига кўйиш;
- “or” ва “and” дан фойдаланиш;
- “filetype:pdf” муайян файл турини топиш;
- тасвирлар бўйича маҳсус қидирув;

- веб-сайт орқали қидириш;

“ ” қўштироқдан фойдаланиши. Google қидирувни такомиллаштирадиган бир нечта белгиларни ёки операторларни ҳисобга олади. Иқтибос қилинган ибора ёки аниқ жумлаларни топиш учун қўштироқлардан фойдаланиш яхши усулдир. Бунинг учун ибора ёки жумлани қўштироқ ичига олиш лозим. Олинган натижаларда қўштироқ ичига киритилган ибора ёки жумладан иборат бўлади. Масалан: “энг яхши китоблар рўйхати”.

“-” орқали сўзларни ҳисобга олмаслик. Қидирув вақтида бир ёки иккита сўзларни очиқчасига чиқариб ташлаш учун сўзларни олдига “-” (чизиқ) қўйиш керак бўлади. Масалан: “энг яхши китоблар рўйхати -Отелло”.

“+” орқали аниқ сўзни қўшиши. Аксинча, “+” белгиси сўзларни қўшишга ва улардан бирига кўпроқ вазн беришга имкон беради. Қидирув натижасида ушбу сўз аниқ қатнашиши шартлигини билдиради.

“*”жумладаги номаълум сўзни ўрнига қўйши. Шунингдек, агар қидирувда шубҳа туғилса, (*) юлдузча қўшилиши маҳсус қидирувни амалга оширишга ва сўровда бўш жойларини тўлдиришга имкон беради. Ушбу услуб сўровнинг аниқ шартларига ишонч комил бўлмагандан қулай ва самарали бўлади. Бир сўздан кейин юлдузча қўшиб, Google йўқолган сўзни қалин қилиб қўяди ва юлдузчани у билан алмаштиради. Агар “Отабек ва Кумуш” ни қидириш ўрнига, “Отабек ва *” ёзилса, Google юлдузча ўрнига “Кумуш” ёки бошқа сўзни қўйиб натижа чиқаради.

“or” ва “and” дан фойдаланиши. Google қидирувида профессионал бўлиш учун яна бир самарали найранг - бу мантикий “or” ёки “|” (ўзбекча “ёки”) ёрдамида қидиришдир. Ушбу оператор қидирувда иккита нарсани топмасдан, у ёки бунисини топади. Иккала атама ўртасида киритилган “анд” оператори, иккита атама акс этган саҳифани қидиради.

“filetype: pdf” муайян файл турини топши. Файл турини тезда топиш учун Google қидирувида “филетипе” қидирув операторидан фойдаланиш керак. Кўпгина ҳолларда, Google биринчи натижалар қаторида энг яхши сайтлардан натижалар беради. Қидирувни енгиллаштириш учун фақат битта турдаги файлларни намойиш қилишни танлаш мумкин. Бунинг учун “филетипе:қидирилаётган формат тури” ёзилади. Масалан, “яхши тақдимот filetype:pptx” ёзилади.

Тасвирлар бўйича маҳсус қидирув. Тасвир бўйича қидириш - бу интернет фойдаланувчилари учун кам маълум бўлган Google функциясидир. Google ImaGES - Google’да тасвирларни қидириш учун маҳсус бўлимдир. Бу ерда калит сўзни киритиш ва ундан кейин “тасвир” қўшиш шарт эмас, балки керакли тасвирни компьютер ёки телефондан юклаш керак. Қидирув тизими ушбу тасвирни ўз ичига олган сайтларни намойиш қиласди ва шунга ўхшаш тасвирларни топади (<https://imaGES.google.com/>).

Веб-сайт орқали қидириши. Бу қидирувни фақат битта сайтда чеклаш имконини беради. Ушбу амални “site:сайт номи” ёзиш орқали амалга ошириш мумкин. Калит сўз қўшиб, сайтда мавжуд бўлган калит сўз билан боғлиқ барча маълумотлар олинади. Масалан, “энг яхши китоблар site:kun.uz”. Сўровда калит сўзниң йўқлиги, кўриб чиқилаётган сайтнинг барча индексланган саҳифаларини кўришга имкон беради.

Мураккаб операторлар:

- **Define** - сўз ёки иборани таърифини қидириш (*define:tendensiya*);
- **Cache** - Google кешида сақланган саҳифани кўриш имконини берувчи оператор (*cache: сайт номи*);
- Вақт оралиғи бўйича қидириш (энг яхши кино *after:2016 before:2017*)
- **Allintext** - саҳифанинг сарлавҳасини олиб ташлаш орқали сайт танасида жумла қидириш учун фойдалидир (*allintext: қидириши сўзи*);
- **Inurl, intext** - веб-саҳифалар URLларини қидиришга имкон берувчи хусусиятдир;
- **Allintitle ва intext** - “title” ёрлиғи билан саҳифалар сарлавҳаларида қидиради;
- **Information** - бу сайт ҳақида маълумот олиш, ушбу сайт кешига, шунга ўхшаш саҳифаларга ва бошқа ривожланган қидиуввларга киришга имкон берувчи восита (*information:kun.uz*);
- **Weather** - шаҳар ёки минтақа учун об-ҳаво маълумотини билиш учун ишлатилади (*об-ҳаво: Тошкент. Тошкентда об-ҳаво қандай эканлигини аниқлашга имкон беради*);
- **The map** - маҳаллий харитани акс эттиради (*the map Mirobod*);
- **Inblogtitle** - блоглар ичida қидириш учун ажратилган, лекин бу блог номларига қидиувни чеклайди.

Интернетда жуда кўп маълумот мавжуд ва уни қандай олиш жуда муҳимдир. Google ҳозир ҳам жаҳондаги қидиув тизимларининг энг машҳуридир (2022-йил декабр ҳолатига кўра жаҳон бозорининг 92,58% улуши). Google қидиув тизимиning имкониятларини билиб олиш вақтни тежашга ва самарали натижаларни олишга имкон беради. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги ў ва ғ ҳарфларини қидиувда белгилари билан ёзиш шарт эмас. Чунки Google қидиув тизими қўшимча белгиларни олиб ташлайди. Google доимий равишда янги нарсалар устида ишлаб ва эски лойиҳалардан воз кечмоқда. Юқоридаги операторлар рўйхати узоқ вақтгача сақланиб қолмаслиги ҳам мумкин. Одатда Google камдан-кам ишлатиладиган қидиув операторларини огоҳлантириш билан рўйхатдан чиқариб ташлайди.

Google’дан афзалроқ бўлган қидиув тизимлари.

Google’дан яхшироқ эканлиги кўпчилик томонидан шубҳа остига олинса ҳам, камида ундан қолиshmайдиган қидиув тизимлари сифатида одатда Яндекс ва Bing кўрилади. Аммо, “Layfxaker” муаллифларининг фикрича, улар қадар машҳур бўлмаган айrim қидиув тизимлари Google’га нисбатан қадар устунликларга эга. Бу устунлик фақат бир жиҳатда - қандайдир мавзу ёхуд функцияда кўзга ташланиши мумкин, лекин мана шундай кичик ютуқлар ҳам баъзида наф келтиради.

DuckDuckGo (<https://duckduckgo.com/>).

DuckDuckGo - очик кодга эга, бирмунча танилиб улгурган қидиув тизими. Унинг серверлари АҚШда жойлашган. Ўз серверидан ташқари, у бошқа манбаларнинг натижаларидан ҳам фойдаланади: Yahoo!, Search BOSS, Wikipedia, Wolfram|Alpha.

DuckDuckGo фойдаланувчига максимал махфийликни таъминлаб бера олади. Тизим фойдаланувчи ҳақида ҳеч қандай маълумот тўпламайди, қидиув

тарихини сақламайды, Cookie файлларидан фойдаланиш максимал даражада чекланган. Йирик қидирув тизимлари эса натижаларни шахсийлаштиришга уринади, яъни сиз хақингизда ахборот тўплаб, шу асосда керакли натижаларни кўрсатишга ҳаракат қиласди. Бунинг ёмон томони - шахсий маълумотларингиз тизимда сақлаб қолинади.

“Nigma” (<https://xn--80aforc.xn--p1acf/>).

“Nigma” - Россиянинг метақидирув тизими бўлиб, Москва давлат университети битиравчилари Виктор Лавренко ва Владимир Чернишовлар томонидан ишлаб чиқилган. У қидирувни Google, Yahoo!, Bing, Яндекс, Rambler, AltaVista, Aport индекслари бўйича амалга оширади, шунингдек, ўз қидирув алгоритмига эга. Унинг устунлик томони - энг йирик тизимлар индекслари бўйича қидирувнинг амалга оширилиши, керакли натижалар чиқарилишига олиб келади. Бундан ташқари, “Nigma” натижаларни мавзувий гурухларга бўлиб, фойдаланувчига қидирув майдонини торайтиришни таклиф қиласди. Бунда натижаларнинг бир қисми устувор деб олинади, бир қисми эса иккиламчи сифатида четга сурлади. “Nigma”нинг бошқа ютуқлари ҳам мавжуд. “Инглиз тилидаги сайтлар” рўйхати танланса, фақат инглизча сайтлардаги натижалар кўрсатилади.

not Evil (<https://hss3uro2hsxfogfq.onion.to/index.php>).

Ушбу тизим Тор аноним тармоғида қидирувни амалга оширади. Ундан фойдаланиш учун мазкур тармоққа кириш ёки маҳсус Тор браузеридан фойдаланиш талаб этилади. not Evil’га ўхшашибошқа қидирув тизимлари ҳам бор - LOOK, TORCH. Унинг устунлик жиҳати - Google, Яндекс ва бошқа йирик тизимлар кира олмайдиган тармоқда қидирувни амалга оширади. Тор тармоғида бундай ресурслар жуда кўп. У тармоқ ичидаги ўзига хос тармоқдир. Унинг ўз торрент-трекерлари, оммавий ахборот воситалари, блоглари ва кутубхоналари бор. Интернетнинг қолган қисмидан асосий фарқи - хавфсизлик ва маҳфийликнинг юқори даражаси.

YaCy (<https://yacy.net/>).

YaCy - P2P принципи асосида ишлайдиган марказлаштирилмаган қидирув тизими. Асосий дастурий модул ўрнатилган ҳар бир компьютер интернетни мустақил равишда текширувдан ўтказади, яъни қидирув тизимининг муқобили бўла олади. Олинган натижалар эса ягона базага тўпланади ва YaCy’нинг барча фойдаланувчиларига қўринади.

Устунлиги - ягона сервер ҳамда эгалик ташкилотининг мавжуд эмаслиги қидирувни бирорларнинг манфаат ва қизиқишлиаридан ҳоли қиласди, тизим ўзи хоҳлаган нарсани эмас, бор нарсани кўрсатади. Ҳар бир йўналишнинг мустақил ишлаши, цензура эҳтимолини тушириб юборади. Бундан ташқари, YaCy умумфойдаланишдаги индексланмайдиган тармоқларда ҳамда ички вебда қидирувни амалга ошира олади.

FindSounds.

Бу тизим очиқ манбалардан овоз қидиришга мўлжалланган. У фақат овозли файллардан иборат натижаларни кўрсатади. Бу - табиатдаги товушлар, машина овози, одамларнинг овози ва бошқалар бўлиши мумкин. Созламаларда форматни ва сифатни белгилаб олса бўлади. Барча топилган овозли файлларни кўчириб олиш мумкин. Овозларни, шунингдек, аудионамуна асосида қидириш функцияси мавжуд.

2-ўқув саволи. Очиқ манбаларда фойдаланиладиган дастурий воситалар.

OSINT бепул, сотиб олинадиган ёки сўров бўйича олиниши мумкин бўлган ҳар қандай оффлайн ёки онлайн маълумотларни ўз ичига олади.

Кўйида очиқ манбали қидирув учун ишлатиладиган оффлайн ва онлайн маълумотларнинг баъзи мисоллари келтирилган.

Оффлайн

- *Дипломатик*: хукумат, хукуқни муҳофаза қилиш ва судлар, халқаро агентликлар;
- *Академик*: академик тадқиқотлар, журналлар, диссертациялар;
- *Корпоратив*: йиллик ҳисоботлар, конференция материаллари, ходимлар профили, резюмелар;
- *Оммавий ахборот воситалари*: телевидения, радио, газета, журнал.

Онлайн

- *Интернет қидируви/маълумотлар базаси*: Google, Bing, Yahoo, Wayback Machine, Whois;
- *Ижтимоий медиа платформалари*: Facebook, Twitter, LinkedIn, Instagram;
- *Улашиши ва нашр қилиши*: Youtube, Flickr, Pinterest, Dailymotion;
- *Блоглар, форумлар ва онлайн ҳамжасиятлар*: WordPress, Medium, Reddit, 4Chan;
- *Deep Web*: ҳар қандай индексланмаган веб-саҳифалардан иборат (интернет қидирув тизимлари томонидан мавжуд бўлмаган сайтлар);
- *Даркнет* : даркнетга фақат қоронғу тармоқлар орқали кириш мумкин. Даркнет кичик гуруҳлар ёки дўстлар орасидаги тармоқлар, шунингдек Tor ва I2P каби йирик тармоқлар бўлиши мумкин. Даркнетда кўплаб сайтлар ноқонуний таркибга эга.

OSINT воситалари.

Турли мақсадлар учун кўплаб бепул ва пуллик очиқ манбалардан қидирув воситалари мавжуд, масалан:

- Мета маълумот ва кодни қидириш;
- Телефон рақамларини ўрганиш;
- Одамлар ва шахсни текшириш;
- Электрон почта манзилларини текшириш;
- Тасвирларни таҳлил қилиш;
- Симсиз тармоқларни аниқлаш ва пакетларни таҳлил қилиш.

Кўйида баъзи фойдали очиқ манба разведка воситалари келтирилган.

Babel X (<https://wwwbabelstreetcom/platform/babel-x>)

Babel X - бу ижтимоий тармоқлар, форумлар, янгиликлар сайтлари ва блоглар каби манбалардан 200 хил тилдаги ҳаммага очиқ маълумотларни топадиган кўп тилли интернет қидирув воситаси. У OSINT таҳлили учун тегишли маълумотларни турли тоифаларга филтрлайди.

BuiltWith (<https://builtwith.com/>)

BuiltWith - бу веб-сайтнинг технологиядан фойдаланиши, технология версиялари ва хостинги ҳақидаги жорий ва тарихий маълумотларни кўрсатадиган веб-сайт профилини яратиш воситаси.

Creepy (<https://www.geocreepy.com/>)

Creepy - ижтимоий тармоқ платформалари орқали геолокация маълумотларини тўплайдиган очик манбали қидирав воситаси.

DarkSearch.io (<https://darksearch.io/>)

DarkSearch - бу ташкилотларга Tor2Web орқали тўғридан-тўғри тадқик қилиш ва сайтларга кириш имконини берувчи қоронғу веб-қидирав тизими.

GHunt (<https://github.com/mxrch/GHunt>)

GHunt - бу Google ҳисоблари билан боғлиқ маълумотларни, жумладан, ҳисоб эгасининг исми, Google ID, YouTube ва расмлар ва хариталар каби бошқа хизматларни топиш учун ишлатиладиган OSINT воситаси.

Greg.app (<https://grep.app/>)

Greg.app - бу GitHub’даги оммавий омборлардан кодларни қидирадиган қидирав тизими.

Intel Owl (<https://github.com/intelowlproject/IntelOwl>)

Intel Owl - бу битта API сўрови орқали маълум бир файл, IP ёки домен ҳакида таҳдид разведкаси маълумотларини тўплайдиган OSINT воситаси.

Intelligence X (<https://intelx.io/>)

Intelligence X - бу қидирав тизими ва маълумотлар архиви бўлиб, у Tor, I2P, маълумотлар сизиб чиқиши ва оммавий интернетни электрон почта, домен, IP, CIDR, Bitcoin манзили ва бошқалар орқали қидиради.

O365 Squat (<https://github.com/O365Squad/O365-Squatting>)

O365 Squat - бу DNS сўровларида кўринмайдиган тийпо-сқуат доменларини аниқлаш учун киритилган доменларни O365 инфратузилмаси билан текшириш учун ишлатиладиган Python дастури воситаси.

OSINT framework (<https://OSINTframework.com/>)

OSINT фраймворки манба тури бўйича сараланган OSINT йиғиш учун очик манба воситалари рўйхатини кўрсатадиган онлайн каталогдир.

Recon-ng (<https://github.com/Lanmaster53/recon-ng>)

Recon-ng - бу вебга асосланган разведка ўтказиш учун ишлатиладиган очик манбали разведка тўплаш воситаси.

Searchcode (<https://searchcode.com/>)

Searchcode - бу API ҳужжатлари, код парчалари ва очик манба (бепул дастурий таъминот) омборларини индекслайдиган манба кодини қидириш механизми.

Shodan (<https://www.shodan.io/>)

Shodan веб-камералар, маршрутизаторлар ва серверлар каби турли хил IoT қурилмаларидан разведка маълумотларини йиғиш учун фойдаланиладиган қидирав тизимиdir .

Social Mapper (https://github.com/Greenwolf/social_mapper)

Social Mapper бу OSINT воситаси бўлиб, у турли сайтларда ижтимоий медиа профилларини кенг миқёсда ўзаро боғлаш учун юзни танишдан фойдаланади.

Sublist3r (<https://github.com/aboul3la/Sublist3r>)

Sublist3r - бу Google, Yahoo, Bing, Baidu ва Ask каби қидирав тизимларидан фойдаланган ҳолда веб-сайтларнинг субдоменларини санаш учун мўлжалланган Python дастури воситаси .

theHarvester (<https://github.com/laramies/theHarvester>)

theHarvester - қиди्रув тизимлари, PGP калит серверлари ва Shodan компьютер маълумотлар базаси каби турли оммавий манбалардан электрон почта хабарлари, субдоменлар, хостлар, ходимлар номлари, очик портлар ва баннерлар ҳақида маълумот тўплаш учун ишлатиладиган текшириш воситаси.

ZMap (<https://github.com/zmap/zmap>)

ZMap - бу интернет бўйлаб тармоқ сўровлари учун ишлатиладиган тармоқ воситаси.

7-МАВЗУ: ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚИДИРУВ ВА МОНИТОРИНГ.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Ижтимоий тармоқ ҳақида тушунча. Ҳозирда фойдаланиладиган энг машҳур ижтимоий тармоқлар.

2-ўқув саволи. Facebook, Telegram, Instagram ва Twitter ижтимоий тармоқларида маълумотлар таҳлили. Изоҳ (пост)лардан ахборотларни тўплаш дастурий воситалари.

1-ўқув саволи. Ижтимоий тармоқ ҳақида тушунча. Ҳозирда фойдаланиладиган энг машҳур ижтимоий тармоқлар.

Бугунги замон шиддати ҳаётимизни интернет ёки ижтимоий тармоқларсиз асло тасаввур этиб бўлмаслигини намоён этаётири. Аксарият одамларнинг фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлари орқали дунёда содир бўлаётган кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, уларни бир-бирига узатиш билан боғлиқ.

Мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ходисалар, янгиликлар тўғрисидаги маълумотлар барча ижтимоий тармоқларда акс этиб боряпти. Бу янгиликлардан хабардор бўлишда эса интернет тизими, мобиъл телефонлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш анча қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзаро маълумот алмашиш ёки бирор воқеа-ходисага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир.

Буларнинг бари ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар учун ўз фикрлари, қарашлари ва туйғуларини баён қилишда тенгсиз имконият эканлигини қўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқлар ҳар қандай ёшдаги одамни бемисл даражада ўзига “мафтун” қилиб туради.

Аксарият ёшлар ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, ижтимоий тармоқлардан кун бўйи фойдаланишади. Шу тариқа, улар деярли барча ахборотга эга бўлишади ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, у ёки бу масалага муносабат билдиришади. Бироқ билдирилган муносабатларнинг барчасини савияли, яъни маънавиятли кишиларнинг фикри, деб бўлмайди, албатта. Айниқса, бугунги кунда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кимсалар ҳам тўғри ё нотўғрилигини ўйлаб ўтирмасдан, ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳар қандай маълумот юзасидан ёхуд баъзи масалаларга билим ва салоҳияти етадими, йўқми, бундан қатъи назар, ўз фикрини билдиришади. Ёки

ўзларининг ёзган «асарлари» ё» мақола», «хабар», «шеър» ларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириб, бир-бирларини кўкларга кўтариб мақташади.

Айниқса, тармоқларда шундай гурухлар ҳам пайдо бўлганки, фойдаланувчилар бир-бирини мақтаб кўкка кўтаришлари, шунингдек, кимларнингдир номини лойга чаплашлари оддий ҳолга айланниб бормоқда. Гийбат улар учун оддий ҳолга айланган. Баъзи кимсалар эса ижтимоий тармоқдан ўзларига ёқмаган одамларнинг обрўсини тўкиш, ерга уриш, бунинг учун бор имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Ижтимоий тармоқларни назоратга олиш имконияти йўқлиги боис, унда ҳар қандай ишни қилиш мумкин, деб ўйлашади. Эркин фикр айтиш имкониятидан шундай йўллар билан фойдаланиш мумкин деганлар, савиялари қай даражада эканликларини катта аудиторияга шундай йўллар билан ошкор қилишади. Шу сабаб кўпчилик бу тармоқларни ёқтиришмайди. Лекин шунга қарамай, статистик маълумотларга назар солсак, дунё ёшларининг 96 фоизи ижтимоий тармоқлар воситасида ўзаро мулоқотга киришишмоқда.

Олиб борилган ахборот-таҳлилий натижалар ва статистик маълумотларга кўра, Facebook ҳозирги вактда дунёда энг машҳур ижтимоий тармоқ сифатида етакчи ўринда бормоқда. Бугунги кунга келиб, Facebook тармоғида рўйхатдан ўтганлар сони бир неча миллиард кишидан ортганлиги маълум қилинган. Ундан кейинги ўринларни эса Twitter, Instagram, LinkedIn, Google+, Pinterest, Snapchat, YouTube, Reddit, WhatsApp, Flickr, Weibo эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиласидиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий менталитетимизга раҳна соловчи турли иғволар, ғийбатлар, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлган – «оммавий маданият» никобидаги таҳдид ва бошқа иллатлар хавф солиши ҳамон давом этмоқда.

2-ўқув саволи. Facebook, Telegram, Instagram ва Twitter ижтимоий тармоқларида маълумотлар таҳлили. Изоҳ (пост)лардан ахборотларни тўплаш дастурий воситалари.

Очиқ манбалар орқали ижтимоий тармоқлардан маълумотларни олиш мумкин. Бу маълумотларни умумлаштириб, якуний ҳисоботлар тайёрланади.

Facebook тизимга кирмасдан хабарлар ва одамлар профилларини қидиришни бир нечта сайтларда амалга ошириш мумкин. Қидирув тарихи мутлақо шахсий ва ҳеч кимга кўринмайди.

Булар қуйидагилар:

- <https://www.social-searcher.com/facebook-search/>
- <https://grououply.com/>
- <https://intelx.io/tools?tab=facebook>

Telegram ижтимоий тармоғида контентлардан махсус қидириш ва уларни осон навигация қилиш натижасида қайтариш учун олдиндан тузилган бир нечта Google Custom Search Engines (CSE) мавжуд. Булар:

- <https://cse.google.com/cse?&cx=006368593537057042503:yefxu7xprihg#gsc.tab=0>

- <https://intelx.io/tools?tab=telegram>
- <https://github.com/Alb-310/Geogramint>
- <https://github.com/Postuf/telegram-osint-lib>
- <https://habr.com/ru/company/postuf/blog/486322/>

Instagram ижтимоий тармоғидан қуидаги сайtlар орқали маълумотлар олиш мумкин:

- <https://www.codeofaninja.com/tools/find-instagram-user-id>
- <https://apify.com/jaroslavhejlek/instagram-scraper#features>

Бу сайтлардан ташқари бир нечта сайtlар бор, лекин уларда хизматлар пуллик амалга оширилади ёки рўйхатдан ўтишни талаб қиласди.

8-МАВЗУ: ВИДЕОКУЗАТУВ МОСЛАМАЛАРИДАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЛИШ.

Маъруза машғулоти (1 соат)

Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Хавфсизлик назорати тизими.

2-ўқув саволи. 4K видео ҳақида маълумот, уни сақлаш ва ўтказиш.

1-ўқув саволи. Хавфсизлик назорати тизими.

Хавфсизлик камералари турли хил услублар ва хусусиятларда мавжуд бўлиб, улар хавфсизлик тизимининг умумий компонентидир. Интернет хавфсизлик тизимлари ёки IP камералар маълумотларни юбориш ва қабул қилиш учун тармоқ орқали Интернетдан фойдаланади. Уларни ўрнатиш ва тизимингизга улаш жуда осон ва сиз исталган вақтда смартфон ва планшетлар учун белуп мобил иловалар ёрдамида жонли камера тасмаларини кўришингиз мумкин. ИП камералар деярли ҳар қандай жойда ўрнатилиши мумкин ва обьектнинг ички ва ташки кўринишини кузатиши мумкин. Камералар, шунингдек, шубҳали ҳаракатлар ёки шахсларга жавоб бериш учун хавфсизлик ҳимоя ходимларини огоҳлантириш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Видеокузатув одатда қуидагилар учун ишлатилади:

Масофавий видео мониторинги: оғирлик, ўғирлик ва инсофсиз фуқаролардан ҳимоя қилиш.

Объектни ҳимоя қилиш: мулкнинг периметри ёки биноларнинг периметри ҳимояси.

Жамоат хавфсизлиги: жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини кучайтириш учун шаҳар кўчалари, боғлар, жамоалар ва маҳаллаларда мунтазам фойдаланилади.

Йўл ҳаракати мониторинги: одатда транспорт оқимини яхшилаш ва баҳтсиз ҳодисаларни кузатиш учун ишлатилади.

Ташки периметр хавфсизлиги: хавфсизликни патрул, тўсиқлар, транспорт воситалари ва пиёдалар дарвозалари ва босқинларни аниqlашда хавфсизлик

химоя ходимлари билан видео кузатувдан фойдаланиш орқали турли йўллар билан таъминлаш мумкин.

Операцияларни мониторинг қилиш: кундалик операцияларни кузатиш ва операцияларни соддалаштириш воситаси сифатида.

Ходимларнинг хавфсизлиги: хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, шунингдек фуқаролик процессида иш берувчини ҳимоя қилиш учун.

Автотураргоҳлар: транспорт воситаларининг ўғирланиши ёки шикастланиши, шунингдек баҳтсиз ҳодисаларни кузатиш учун.

Воқеаларни видеокузатуви: оломонни назорат қилиш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш учун.

Видео кузатув умумий сақлаш ресурсларидан фойдаланадиган муҳим дастурдир. Ҳозирда шаҳардаги кўплаб автобусларда автобуслар ҳолатини кузатиш учун юқори аниқликдаги (HD) камера тизимлари ўрнатилган. Видео контентини бир неча кун сақлаш учун жуда катта ҳажмли қаттиқ диск керак. Ушбу видео сақлаш схемаси бир нечта камчиликларга эга.

Биринчидан, бир неча кун давомида HD видео контентини сақлаш учун қаттиқ диск жуда катта ҳажмга эга бўлиши керак, бу эса юқори нарх ва катта ҳажмга олиб келади.

Иккинчидан, видео контентни фақат оғлайн режимда текшириш мумкин, транспорт бўлими воқеа содир бўлганидан кейин дарҳол ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила олмайди. Булутли автомобиль тармоқларида янги тақсимланган сақлаш парадигмаси ушбу муаммони ҳал қилиши мумкин.

Автобус ичидағи видеокамера тизимларини сақлаш имконияти сезиларли даражада кенгайтирилди. Автобус тармоғида VM-A автобус ичидағи видео кузатув таркибини сақлашни осонлаштириш учун йўл бўйидаги булутдан фойдаланади.

Видеокузатув натижаларининг ёзувлари дунёдаги барча Биг Датанинг деярли ярмини ташкил қиласиди. IHS Technologies ҳисоб-китобларига кўра, ҳар куни 500 РВ бундай маълумотлар қўшилади ва 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 2500 РВгача ўсади. Мисол учун, одатий йирик халқаро аэропортда 20 000 га яқин камералар ўрнатилган ва HTSS формати учун секундига 15 кадр тезликда биз кунига 5 РВ дан ортиқ қабул қиласиз. Кадр тезлиги сониясига уч кадргача камайтирилганда ҳам, ёзувлар ҳажми 1 РВ дан ошади.

Албатта, бундай катта ҳажмдаги маълумотлар фақат жуда катта қурилмаларда топилади, лекин улар кўпинча кичикроқ қурилмалар учун ҳам тез суръатлар билан ўсиб бормоқда, бу эса фойдаланилаётган камералар сонининг кўпайиши ва технологик инновацияларнинг тарқалиши билан боғлиқ. 4К ўлчамли камералар сифатида. Вазият, қонуний ёки ички корпоратив талабларга мувофиқ, ушбу ёзувлар узоқ вақт давомида сақланиши кераклиги сабабли янада оғирлашади, шунинг учун компаниялар видео ёзувларни сақлашни иқтисодий ва техник жиҳатдан энг самарали тарзда амалга ошириш муаммосига дуч келишади.

2-ўқув саволи. 4К видео ҳақида маълумот, уни сақлаш ва ўтказиш

Видеокамераларда янги технологияларни жорий этиш видео кузатув тизимининг барча бошқа таркибий қисмларига таъсир қиласи. Ёзиб олувчи қурилмалар ултра юқори аниқликдаги камералар (4К ваундан кўп) орқали узатиладиган видео оқимларни қайта ишлашга тайёр бўлиши керак. Бу керакли сақлаш ҳажмига ҳам, тегишли протоколларни қўллаб-қувватлашга ҳам тегишли.




NVR кирувчи видео оқимини тўғридан-тўғри қаттиқ дискларга, сиқилишсиз ёзиб олади. Бироқ, видеони ўйнаш учун NVR камера томонидан ишлатиладиган кодлаш алгоритмини “тушуниши” керак.

4К форматдаги тасвир энига 3840, бўйига 2160 та пикселдан иборат бўлади. Видео ёзув, видео контент ва дисплейга оид термин сифатида 4Кни яна Ultra HD (UHD) дейиш ҳам мумкин. «4К» атамаси тасвирнинг энига жойлашган пикселлари сонидан олинган. Бироқ 720п ва 1080пларнинг номланиши тасвирдаги бўйига жойлашган пикселлар миқодиридан келиб чиқсан. 1080п билан таққослаганда, 4К ҳам бўйига, ҳам энига икки карра кўпроқ деталлга эга. Мегапиксел ҳақида гап кетганда, 4К 8 мегапиксел бўлади. 4Кдан кейинги катталиқдаги резолюция эса 8К.

Энди сиз 4К видеокамералар билан ҳеч кимни ажаблантира олмайсиз. Компонентлар арzonлашиб бормоқда, бу эса видеокамералар ва натижада видеорегистраторларнинг ишлаш қувватини оширишга олиб келади.

4K Ultra HD телевизор - бу 4K аниқликка эга телевизордир. Бу телевизор экраныда горизонталига 3840 пиксел ва вертикалига 2160 пиксел мавжудлигини англатади: ҳаммаси бўлиб тахминан 8,3 миллион пиксел. 4K телевизорларининг аниқлиги одатда қуйидагича қўрсатилади: 3840 x 2160. Аниқлик нима? Бу




пикселлар – экрандаги тасвирни ташкил этувчи майда нуқтачалар жойлашувининг зичлигидир. Пикселлар қанчалик қўп бўлса, тасвир аниқлиги шунчалик юқори бўлади. “4K” белгисидаги “K” ҳарфи “Кило” (1000) сўзининг ўрнини босади. Бу шуни англатадики, телевизор экраныда горизонталига тахминан 4000 пиксел жойлашган.

4K сифат нимани англатади?

4K телевизор Full HD телевизордан юқори тасвир сифати билан ажралиб туради. 4K бу Full HD (1920 x 1080) аниқликдан 4 баробар кўпроқ пикселдир. Пикселнинг юқори зичлиги 4K тасвирни янада ёрқинроқ ва равшанроқ қиласди.

4K ва Full HD ўртасидаги фарқ айниқса катта ўлчамли экранларда сезилади. Оддий 65" Full HD телевизор билан 65" 4K UHD телевизордаги тасвир сифатини солиштиринг. Юқори аниқликка эга (4K) экрандаги пиксел ўлчами худди шундай ўлчамдаги (Full HD) пастроқ аниқликдаги экрандагига қараганда кичикроқ бўлади. Шу сабабли, 4K телевизор ёрдамида сиз экрандан исталган масофада у ерда содир бўлаётган нарсаларга максимал даражада фарқ бўлишингиз мумкин. Бу томоша қилиш пайтида сиз экранда алоҳида пикселларни эмас, балки тўлиқ тасвирни кўришингиз билан боғлиқдир.



Агар барча видеоконтентингиз 4K юқори аниқликда бўлса, албатта, бу жуда яхши. Бироқ, сиз томоша қилишни истаган контентнинг ҳаммаси ҳам ушбу аниқикда суратга олинмаган. Агар сиз видеони юқори сифатда томоша қилишни хоҳласангиз нима қилиш керак? Масштаблаш технологияси билан бу энди муаммо эмас.

4K масштаблаш нима ва у нима учун керак?

4K телевизорда FHD (нисбатан паст сифатли контент) контентни томоша қилаётган пайтингизда, юқори масштаблаш технологияси видеосигнални ўзгартиради ва унинг аниқлигини 4K даражага оширади. Бошқача қилиб

айтганда, у нафақат тасвирни экранга мос равища чўзади, балки унинг сифатини ҳам яхшилайди.

Бу қандай содир бўлади? Масштаблаш технологияси аниқликни автоматик равища таҳлил қиласи, шовқинни пасайтиради, тафсилотларнинг аниқлигини яхшилайди, оптимал контрастлик ва рангни таъминлайди ҳамда контент сифатини 4К аниқликка яқинлаштиради. Ҳар бир телевизор ишлаб чиқарувчиси турли хил масштаблаш технологиясидан фойдаланади - ўзингиз учун энг яхши вариантни танлаганингизга ишонч ҳосил қилинг.



FHD

4K-like Picture

Рухсатнинг ошиши маълумотлар ҳажмининг ошишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, ушбу маълумотларни узатиш тармоқларида ҳам, сақлаш тизимларида ҳам юкнинг ошишига олиб келади. Бироқ, Axis Communications компаниясининг катта техник ёрдам муҳандиси Андрей Черновнинг таъкидлашича, маҳаллий видео кузатув тизимларида маълумотларни узатиш одатда муаммо эмас. Мавжуд маълумотларни узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти етарли эмаслиги сабабли булутли сақлаш ва масофадан киришдан фойдаланишда қийинчиликлар пайдо бўлади. Шу муносабат билан у қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишга чақиради:

Фақат муҳим воқеаларни қайд этиш ва “ақлли” сиқиши алгоритмларидан фойдаланишни ўз ичига олган тармоқли кенглигидан самарали фойдаланиш. Хусусан, H.264 ва H.265 кодеклари, шунингдек, уларнинг модификациялари, масалан, Zipstream from Axis кераксиз трафикни сезиларли даражада камайтириши мумкин.

Жонли кўриш ва юқори аниқликдаги ёзиб олиш учун пастроқ рухсатли оқимлардан фойдаланиш.

Сақлаш захираси - масалан, уланишда хатолик юз берганда хотира картасига ёзиш, бу маълумотлар йўқотилишининг олдини олишга ёки ҳеч бўлмаганда уни камайтиришга ёрдам беради.

Бироқ, сиз билганингиздек, ҳар қандай тизим фақат энг заиф бўғини каби ишончли. Шунинг учун пакет йўқотилишининг олдини олиш учун етарли ўтказиш қобилиятига қўшимча равища маълумотларни узатиш каналларининг носозликларга чидамлилигини (ортиқчалигини) таъминлаш керак. “Замонавий видеокузатув тизими носозликларга чидамлилигини ошириши керак ва бу барча компонентларга тааллуклидир: камералар, сақлаш тизимлари ва тармоқ инфратузилмаси”, - дейди Аллиед Телесис лойиҳаси менежери Алексей Воронин. - Бу оддий такрорлашни англатмайди, гарчи баъзи вазифалар учун, масалан, фаол тармоқ қурилмаларини қувват билан таъминлаш учун, қувват манбаларини такрорлаш ажралмасдир.

Тизимнинг асосий таркибий қисмларини нафақат такрорлаш, балки захиралаш ҳам керак, бу нафақат унинг носозликларга чидамлилигини оширади, балки функционалликни ҳам кенгайтиради.

Видеокузатувнинг салафи хавфсизлик мақсадида суратга олиш деб ҳисобланиши мумкин. 1913 йилда Holloway қамоқхонаси “замонавий фотографик кузатув” тизимидан фойдаланган. Соқчилар маҳбусларни узок масофадан яширин суратга олишди. Бундай ҳаракатта намойишлар пайтида зўравонлик қилгани учун хибсга олинган 18 нафар сиёсий фаолнинг досеси учун суратлар рад этилгани сабаб бўлди. Ҳар сафар камера ўзларига қараганини пайқашганда, улар суратга олиш натижаси фойдасиз бўлиши учун ҳамма нарсани қилишга ҳаракат қилишди - улар юзларини қўллари билан ёпишди, бир жойда туришни рад этишди. Кўшимча идентификация қилиш учун бузилган фотосуратлардан фойдаланиш фойдасиз эди.

Дунёдаги биринчи видеокузатув тизими 1942 йилда Германияда Сиеменс томонидан Reepetmünde полигонида V-2 ракеталарининг синовини қузатиш учун яратилган. Ушбу тизимнинг асосий ишлаб чиқарувчиси Валтер Брусх бўлиб, кейинчалик 1963 йилда PAL тизимини ишлаб чиқишига раҳбарлик қилган.

Эслатиб ўтамиз, 1949-йилда Жорж Оруеллнинг “1984” илмий-фантастик романи нашр этилган бўлиб, унда муаллиф видеокузатувдан оммавий фойдаланишини унинг тарқалишидан анча олдин тасвирлаб берган.

1956 йилда Германиянинг Гамбург шаҳрида полиция “Зауберспиегел” (“сехрли ойна”) деб номланган ташқи видео кузатув тизимини синовдан ўtkазди. Анжуман давомида мазкур тизим матбуотга тақдим этилди. Полициячи монитор орқали кўчадаги ҳаракатни кузатди ва тутгани босиши орқали светофорни алмаштириди.

1959-йилда Ганновер ва Мюнхен кўчалар тирбандлигини қузатиш учун видеокузатувдан фойдаланишини бошлади. 1960 йилда Франкфурт-Майнс полицияси светофорда йўл ҳаракати қоидаларини бузишни суратга олиш учун биринчи автоматик тизимни ишга туширди. Йўллардаги вазиятдан ташқари, одамлар гавжум жойларда автоматик камералар ҳам вазиятни қузатиб борди.

1965 йилда Мюнхендаги йўл ҳаракати назорати тизими ҳар бири пана, панorama ва масштаблаш функцияларига эга бўлган 14 та камерага кенгайтирилди.

Немислар биринчи бўлиб телевизион кузатув тизимларидан фойдаланишган бўлса-да, Буюк Британия хавфсизлик мақсадида жамоат жойларига доимий қўзғалмас камералар ўрнатиш бўйича экспериментни бошлаган биринчи давлат эди.

Мавзулар юзасидан саволлар:

Ахборот сўзининг маъноси нима?

Ахборот технологияси нима?

Жамиятни ахборотлаштириш деганда нимани тушунасиз?

Қуидаги қайси касб эгалари АТ мутахассислари хисобланади?

Клавиатура орқали лотин ёзувида тўғри ёзганда “ў” ёки “ғ” ҳарфлани белгиси қандай чиқарилади?

Интеграция сўзининг маъноси:

Қуида келтирилан сахифаларнинг қайси бири Ўзбекистон Республикаси хукумат портали ҳисобланади?

Ахборот қарама-қарши турларига қуидаги қайси киради?

Ахборот урушининг мақсадлари қайси жавобда кўрсатилган?

Ахборот уруши атамаси илк бор 1967 йил тилга олинган бу иборанинг муаллифи собиқ совет Иттифоқига қарши бошлаган ахборот урушининг асосчиларидан бири жавобда кўрсатилган?

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш нима?

Қандай операцион тизимлар бор?

Ахборот уруши белгиларига қўйси жавобда кўрсатилган?

Хужум қилувчи ахборот қуроли деб қуидагиларни ҳисоблаш мумкин:

Ахборот технологиялари мажмууга киради?

Хакерликни ривожланишига сабаб нима?

Киберхавфсизликни қандай таъминлашимиз мумкин?

Фарминг(pharming) нима?

Қабул қилиш хохиши бўлмаган шахсларга тижорат, сиёсий ва реклама кўринишидаги хабарларни (ахборотларни) оммавий тарқатилиши қандай номланади?

Компьютер вируси бу -

“White hat” сўзи кимларга нисбатан ишлатилади?

“ДАРКНЕТ” нима?

Глоссарий

Ахборот - лотинча “Информатио” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, ўзбекчада тушунтириш, таништириш, баён этиш деган маъноларни англатади

Ахборот технологиялари (АТ) – бу усуллар тизими ва ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш йўлидир.

Ахборот тизими - қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

Дезинформация (ёлғон ахборот тарқатиши) - психологик таъсир кўрсатишнинг бир кўриниши бўлиб, рақиб тарафни чалғитиши мақсадида ёлғон ахборот тарқатилади. Бунда ҳақиқий ахборот билан ёлғон ахборот аралаш кўринишида бўлади.

Манипуляция (омма онгини бошқариш) - омма онгини турли ғоялар, кўрсатмалар, мотивлар, стереотиплар, тақлид орқали субъект манфаатларига мослаштириш. Воқеликни нотўғри идрок қилиш орқали сохта, ёлғон тушунча ёки тасаввур ҳосил қилинади.

Тарғибот - омма онгидаги ОАВ ёрдамида маълум ғояларни тарқатиши ва оммалаштири.

Инқирозли ҳолатларни бошқариш - асосан иқтисодий ва сиёсий соҳаларга қаратилган бўлиб, маълум гуруҳ ёки давлат қизиқишлигини кўзлайди. Аввалдан танлаб олинган шахсларга яширин кўринишида таъсир кўрсатилади.

Иғвогарлик - маълум гурухлар ва шахслар томонидан давлатнинг конститутцион тузумига ёки қонуний асосларига қарши ҳаракатларни амалга ошириш.

Тұхмат (бўхтон) - бирор обьектни обрўсизлантириш, шаънини булғаш мақсадида ёлғон маълумотларни тарқатиши.

дискредитация (обрўсизлантириш) - омма орасида давлат раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, айрим шахслар обрўсини, сиёсий ечимлар, тадбирлар аҳамиятини тушунтириш ва уларга салбий таъсир кўрсатиш.

Омма дикқатини жалб этиш - бирор воқеа, ҳодиса, иш юзасидан хуқуқий маълумот панада қолдирилади, шов-шувга сабаб бўладиган тадбирлар амалга оширилади.

Миш-миш гапларни тарқатиши - мавжуд бўлмаган маълумотларни тарқатиши. Асосан давлат ва жамиядаги бўшлиқ жойларга асосий зарба берилади ҳамда сиёсий ва маънавий етук бўлмаган шахслар обьект сифатида танлаб олинади.

Фитна - маҳсус ахборот ҳаракати бўлиб рақиб муваффакиятсизликка (мағлуб бўлиш) олиб борувчи вариантни танлашга мажбурланади.

Чуқур сохталаштириш (дипфэйк) - сунъий интеллект технологияларини кўллаган ҳолда машхур шахсларни обрўсизлантириш.

Ижтимоий тармоқ - шахсий профил яратиш имкониятини берувчи сайт.

Спам - қабул қилиш хохиши бўлмаган шахсларга тижорат, сиёсий ва реклама кўринишидаги хабарларни (ахборотларни) оммавий тарқатилиш.

Хакер – ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ноқонуний ҳаракатларни бажарувчи, ахборот тизимлари ва дастурларини бузиб кириб, улардан рухсатсиз фойдаланувчи, илова ҳамда веб-саҳифалар мухофазасини бузиш ва вирус тарқатиш орқали кибержиноятчилик уюштирадиган шахс.

Кибермакон - ахборотни эгаллаш, уни ўзгартериш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йигиндиси.

Кибержиноятчилик - ахборотни эгаллаш, уни ўзгартериш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йигиндиси.

Кибертаҳдид - кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи.

Киберхавфсизлик - кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати.

Киберхимоя - киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларининг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи.

Киберхужум - кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасдан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат.

Мухим ахборот инфратузилмаси - мухим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи.

Администратор (Администратор) - масофадан ўқитиши курсларининг авторлари номидан курсни бошқарувчи инсон. Курсни бошқариш жараёнида авторлар билан доимий алоқада бўлиши билан бирга ўқув материалларини янгилаш, ўқувчиларга улардан фойдаланишга руҳсат бериш масалалари билан шуғулланади.

Аккаунт (Account) - сўзма-сўз таржимаси “қайд ёзуви” - Компьютерда сақланиладиган фойдаланувчи тавсифи. Одатда у фойдаланувчининг тармоқдаги номи, ҳақиқий ном, парол, фойдаланувчи ҳукуқлари ва уй каталогининг номи (агарда у бор бўлса) дан таркиб топган.

Маълумотлар базаси - ўзаро боғланган файллар гуруҳи.

Брандмауер (фиревалл) - ички тармоқ билан ташқи тармоқ ўртасига жойлаштириладиган, хусусий тармоқларга рухсатсиз киришлар ва хужумларни бартараф этиш учун ишлатиладиган аппарат ва дастурый таъминот.

Очиқ манбали қидирув усуллари (OSINT – опен source интеллигенсе) - разведка мақсадлари учун очиқ манбалардан олинган маълумотларни аниқлаш, йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобот бериш жараёнидир.

Tor браузер – дакнетга киришга яъни онион сайтларни очиш учун мўлжалланган, хавфсизлиги юқори бўлган браузер.

Тагента – радиостанция гарнитураларининг тури бўлиб, қўлда олиб юрилувчи тугмачали кўчма микрофон.

Адабиётлар рўйхати:

I.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. **Ш.М. Мирзиёев.** Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
2. **Ш.М. Мирзиёев.** Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. **Ш.М. Мирзиёев.** Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
4. **Ш.М. Мирзиёев.** Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.
5. **Ш.М. Мирзиёев.** “Янги Ўзбекистон — келажаги буюқ давлат” китоби.

II.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни (2003 йил 11 декабрь, 560-II-сон).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сонли “Киберхавфсизлик тўғрисида” ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон Қарори.
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги “Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 645-сон Қарори.

III.Махсус адабиётлар:

1. «Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашишмуаммолари ва киберхавфсизликни та’минлашистиқболлари» МОНОГРАФИЯ Тошкент – 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлиги. йил якуни -2020.
3. “Telekommunikatsiya/Axborot-komunikatsiya texnologiyalarida kiberxavfsizlikni ta’minalash usullari va vositalari”: xalqaro ilmiy-amaliy anjuman maqolalar to’plami -Toshkent: O’zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022.- bet.
4. Global Cybersecurity Index (GCI) ITU Publications-2018 Кибербезопасность и управление интернетом: Документы и материалы для российских регуляторов и экспертов / Отв. ред. М.Б. Касенова; сост. О.В. Демидов и М.Б. Касенова. – М.: Статут, 2013. – с.]
5. A. Bielska. N.R. Kurz. Open source intelligence tools and resources handbook. 2020.
6. M. Bazzell. Open source intelligence techniques (eighth edition).

7. Ch. Hadnagy. Social engineering. The science of human hacking (second edition). John Wiley and Sons., Indianapolis, Indiana. 2018

IV. Электрон таълим ресурслари:

1. <https://iiv.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий сайти)
2. <https://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. <https://uz.infocom.uz/2014/05/26/tarmoq-xavfsizligini-taminlash-muammolari-ya-tarmoq-hujumlarga-qarshi-samarali-himoya-echimlari/>
4. <http://nameconomy.uz/uz/yangiliklar/51-kiber-xavfsizlik-davr-talabi>
5. <https://iiv.uz/uz/news/kiberjinoyatchilikka-qarshi-kiberxavfsizlik>
6. <https://www.terabayt.uz/uz/post/2020-yilning-eng-yomon-parollari-ikkita-royxatda>
7. <https://www.terabayt.uz/uz/post/2021-yilning-boshidagi-eng-xavfli-kompyuter-virusi-malum-boldi>
8. <https://www.terabayt.uz/uz/post/qanday-qilib-internetdan-xavfsiz-foydalanish-mumkin-2-qism>
9. <https://uz.yeewated.com/kompyuterda-Cookie-fayllar-nima/>
10. https://www.youtube.com/watch?v=ZqHH_VtTHy4&t=478s
11. <https://www.aura.com/learn/types-of-social-engineering-attacks>

**РИСҚАЛИЕВ ЖАХОНГИР ДАДАЖОН-ЎҒЛИ
БОЙНАЗАРОВ ОТАБЕК МУРОТ ЎҒЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ
«КАПИТАН» МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАХСУС МАЛАКА
ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ АХБОРТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мухаррир: Н.З. Тасимов

Босишга руҳсат этилди. _____.2023 й. Нашриёт ҳисоб табоғи _____.
Буюртма № _____. Адади 5 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро қўчаси, 27^а-уй.